

“ЗУЛМГА ҚАРШИ 7 КУН”: ИККИНЧИ ҲАФТА

сабабларидан бири, албатта, пайғамбаримизнинг ана шу суннатига қарши иш тутиб, зулмга сабр қилиб келаётганимиздир.

Бугунги кунда Каримовнинг қўғирчоқ имомлари халқни ҳамма нарсага, шу жумладан, диктатура томонидан ўрнатилган ҳуқуқсизлик ва ноҳақликка ҳам сабр қилишга, шукроналик ҳисси билан яшашга чақираётганидан ҳамда қўғирчоқ ашулачилар, журналистлар, шоирлар, адиблар билан биргалашиб, ўзбек халқини зулмга қарши курашдан чалғитаётганларидан, халқни уйқу ва ғафлатга ботираётганларидан хабардормиз. Ваҳоланки, улар Муҳаммад с.а.в. мусулмонларни зулмга сабр қилишдан қайтарганини жуда яхши биладилар, лекин бу ҳақда улар оғиз очолмайдилар. Чунки, юқорида айтганимиздек, улар Каримов режимининг қўғирчоқларидир.

Келинг, шу вазиятда, биз, оддий ўзбекистонликлар, юртдошларимизга пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в. томонидан айтилган ана шу кичик, ammo муҳим ҳақиқатни – “ЗУЛМ ҲАМ ҚИЛМАНГ, ЗУЛМГА РОЗИ ҲАМ БУЛМАНГ!” деган ҳадисни етказайлик. Ҳар биримиз шу варақачадан ҳеч бўлмаса 7 тасини одам кўп тўпланадиган жойларга ёпиштириб чиқсак, биз нафақат озодлигимиз учун жонбозлик кўрсатган бўлаемиз, балки пайғамбаримизнинг бир ҳадисини қанчадан-қанча ўзбекка етказиб, охиратимиз учун савоб ҳам қилган бўлаемиз.

Иккинчи ҳафта варақасининг электрон шаклини қуйидаги линклардан юклаб олишингиз мумкин:

uzxalqharakati.com/.../14-01-2013-rgb-300.jpg (rgb формат 300 px)
uzxalqharakati.com/.../14-01-2013-стык-300.jpg (стык формат 300 px)
uzxalqharakati.com/.../14-01-2013.pdf (pdf формат)

Азиз юртдошлар!

Қуйида ҳавфсизлигингизга оид бир қатор маслаҳатларимизни яна эслатмоқчимиз. Варақачамизни принтердан чиқараётганда ҳамда бекатлар, деворлар ва симёғочларга

ёпиштираётганда ўта ҳушёр бўлишни, иложи бўлса, атрофда ҳеч ким йўқ пайтларда ёпиштиришни, варақаларни бегона одамларнинг принтерларидан, айниқса, компьютер клублари ва интернет-кафедаги принтерлардан чиқармасликни тавсия этаемиз.

Бундан ташқари, варақачамизнинг электрон версиясини компьютерларнинг электрон версияда узоқ сақлашмасликни, варақачаларни ёпиштириб бўлгандан кейин компьютерларнинг электрон версиядан иложи борича тез ўчириб ташлашни тавсия қилаемиз. Қирқиб олинган варақачаларни ёнингизда узоқ муддат сақлаб юрмасликни, айниқса, Тошкент метрополитенига олиб тушмасликни, уларни иложи борича тезда ёпиштириб чиқишни маслаҳат бераемиз.

Аслида, пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в.нинг юқорида келтирилган ҳадисиде ҳам, УХХ логотипида ҳам Ўзбекистондаги қонунларга зид ҳеч нарса йўқ! Аммо шундай бўлса ҳам, эҳтиёткор бўлиш зарар қилмайди. Чунки Каримов режими ҳатто “Қорнимиз оч” деган ёзувдан ҳам қўрқинишни, шундай оддий ҳақиқатни ёзганларни ҳам қамашга шай турганини эсдан чиқармаслигимиз керак.

Зеро, бугунги кунда Ўзбекистон озодлиги учун курашда эҳтиётсизлик туфайли қамалиб, курашдан ташқарида ётгандан кўра, эҳтиёткор бўлиб, озодликда ва аҳоли орасида юриб, кураш майдонида ҳаракат қилиш фойдалидир. Узимиз учун ҳам, халқимиз учун ҳам!

Келажак ҳафта мобайнида юртдошларимиз “Зулмга қарши 7 кун” лойиҳасида фаол иштирок этиб, Ўзбекистон Халқ Ҳаракати логотипи туширилган ва пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в.нинг “ЗУЛМ ҲАМ ҚИЛМАНГ, ЗУЛМГА РОЗИ ҲАМ БУЛМАНГ!” деган ҳадиси битилган наватдаги варақачамизни мамлакат кўчаларида ёпиштириб, ватандошларимизни курашга чорлашда Ўзбекистон Халқ Ҳаракатига кўмақдош бўладилар, деган умиддамиз.

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати
2013 йил 14 январь



**ЗУЛМ ҲАМ
ҚИЛМАНГ,
ЗУЛМГА РОЗИ
ҲАМ БУЛМАНГ!**

Ҳадиси шариф
(Муҳаммад с.а.в.нинг
«Видо хутба»сида)

Ўтган ҳафтада эълон қилган “Зулмга қарши 7 кун” лойиҳасида фаол иштирок қилиб, мамлакатимиз кўчаларида илк варақачамизни тарқатган юртдошларимизга миннатдорлигимизни изҳор этаемиз. 7 кун мобайнида Тошкент ва Жиззах кўчаларида УХХ логотипи ва Рауф Парфининг “Бизда нима бор?” шеъри акс этган варақачаларимиз тарқатилгани ҳақида бир неча хабар олдик. Мурожаатимизни ерда қолдирмай, шу амалий ишни қўрқмасдан қилган ватандошларимиз сони балки 10 тадир, балки 50 тадир, балки 100 тадир. Илк варақачамизни ҳатто бир киши тарқатиб чиққан бўлса ҳам, бу УХХнинг, халқимизнинг Каримов диктатурасига қарши курашдаги ғалабасидир. Албатта, катта ғалабаси эмас, кичик ғалабаси. Аммо кичик ғалаба ҳам ютуқдир, чунки катта ғалабаларга кичик ютуқлар орқали эришилади.

Янги йилнинг иккинчи ҳафтасида фаолларимиз, тарафдорларимиз, эркинлик ва адолат руҳидаги бошқа юртдошларимизга наватдаги варақачамизни тақдим этаемиз. Иккинчи ҳафта варақасида УХХ логотипи остида “ЗУЛМ ҲАМ ҚИЛМАНГ, ЗУЛМГА РОЗИ ҲАМ БУЛМАНГ!” деган ҳадиси шарифни беришни маъқул топдик. Зеро, пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в.нинг видо хутбасида айтилган ушбу сўзларнинг ичида жуда катта маъно ётади. Чунки, фикримизча, бизнинг бугунги эрксиз ва ҳуқуқсиз аҳволга тушиб қолишимизнинг

Жиззах вилоят Ички Ишлар бошқармасининг кабинетлари ва коридорларида дув дув гап: Жиззах вилоятининг Фориш, Бахмал ва Зомин туманларида, ЎХХ ташкилотига тегишли бўлган шиор ва чақириқлар ёзилган варақалар, ушбу туманларнинг марказидаги бозорчалар деворларига ҳамда автобус бекатларига ёпиштириб кетилган.

Вилоятда яшовчи манбааларимизга

ЖИЗЗАХДА ЗУЛМГА ҚАРШИ ВАРАҚАЛАР ТАРҚАТИЛДИ.

кўра, 10, 11 январ кунлари содир бўлган бу воқеа, вилоят куч ишлатар тизимларини оёқка калқтирган.

Форишлик махалла фаоли Абдуназарнинг (исми ўзгартирилган) айтишича, Фориш туман ички ишлар бўлимида 11 январ кунни тушдан сўнг фавқулодда йиғилиш бўлиб ўтган. Йиғилишда Жиззах вилоят Ички ишлар бошқармасининг терроризмга қарши кураш бўлими бошлиғи, милиция полковниги Олим Косимов ва вилоят миллий хавфсизлик бошқармасининг Бекназар исмли ходими ҳам қатнашган.

Туман ички ишлар бўлимининг шахсий таркиби тўлиқ қатнашган бу йиғилишда, вилоятдан келган вакиллар туман худудидаги бозорчалар ва автобус бекатларига ёпиштириб кетилган варақаларни кўрсатишган.

«Улар роса жазавга тушишди, Фориш туман ИИБ бошлиғини ҳақорат қилишди.

Варақалар қандай қилиб туманда пайдо бўлиб қолгани ҳақида ҳаммадан бирма бир тушунтириш хати ёздириб олишлари-

ТОШКЕНТДА ЯНА ЎХХ ВАРАҚАЛАРИ



Бугун, 13 январ кунни, Алгоритмдаги Гулистон мавзесига бир танишимизниқига боргандим. Оғайнилар билан кечкурун Гулистон ва Қизил Шарк мавзеларининг ўртасидаги автобус остановкасига келсак, унинг ҳамма ерига ҳатто ёнидаги столбага ҳам ЎХХнинг ўтган ҳафтада эълон қилган янги варақаларини ёпиштириб кетишган экан. Мен соткамга расмга олиб олдим шулардан биттасини. Қоронғу эди, шуга варақадаги шеър унчалик кўринмаган. Шу расмни сизларга юборишга қарор қилдим. Одам ўз ишининг самарасини кўрса янада ғайрати ошади. Шунинг учун Сизларнинг яқинда эълон қилган “Зулмга қарши етти кун” тадбирингиз самара бераётгани ҳақида хушхабар етказиш ниятида шундай қиляпман. Ўзбекистонда мард одамлар бор экан, сизларнинг таклифингизга лаббай деб жавоб бериб, одамлар гавжум ерларга ёпиштириб кетишибди. Раҳмат Сизларга.

(Сайтга келган хатлардан)

ни айтишди. Ваҳима катта» деди Форишлик махалла фаоли.

Бахмал тумани хокимли биносида, кеча 12 январ кунни бўлиб ўтган йиғилишда ҳам ЎХХнинг варақалари ҳақида сўз борди, дейди хокимликда ишловчи ходимлардан бри.

Унинг сўзларига кўра, Бахмал тумани марказидаги 1 ўрта мактабнинг ховлисида 10 вароқдан ортиқ А4 форматли қоғоз

топилган. Мактаб майдони сахнида сочилиб ётган қоғозларни танафусга чиққан ўқувчилар териб олишган. Варақаларнинг бир қисми шу тариха директорнинг кабинетида пайдо бўлган.

Варақалардаги, диктатор Каримов ҳақидаги қисқа ва лўнда ҳақоний таърифлар, ва бўйсунмаслик ҳақидаги чақириқлар ўқитувчиларнинг эҳсонасини чиқариб юборган. Дарҳол барча синф ўқувчилари спорт залига чақирилган ва варақаларни ҳаммасини топшириш талаб қилинган.

Бахмал тумани марказидаги баланд кир устида жойлашган Хотира музейи эшиги олдида ҳамда туман марказидаги бозорча олдидаги автобус бекатида ҳам Ўзбекистон Халқ Ҳаракати ташкилотининг логотипи туширилган варақалар топилган.

Одамларни диктатор Каримов тузумига қарши бош кўтаришга чақирган бундай варақаларнинг бир қанчаси, табиийки, Бахмалликларнинг қўлларида қолиб кетган.

Шу кунлик, кеч соат 5 ларда, туман хокимлиги биносидаги йиғилишда вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосарларидан бири иштирокида йиғилиш бўлиб ўтган.

У ерда ҳам туман ички ишлар бўлими бошлиғи ва ўринбосарлари қаттиқ

ҳақоратланган ва қисқа муддат ичида варақаларни тарқатганларни топиш буюрилган.

Жиззахдан келаётган хабарларга кўра, вилоятнинг Зомин туманида ҳам айни ўша кунлари ЎХХнинг варақалари тарқатилган ва ушбу туманга ҳам бугунда вилоят МХХ, прокуратура ва ИИБнинг «катта»лари серкатнов бўлиб қолишган.

Жиззах вилояти хокимлигидаги

ишончли манбаанинг айтишича, вилоят куч ишлатар тизимларининг раҳбарлари, варақалар билан бўлган воқеани мутлақо сир сақлаш ва бу ҳақдаги овозларнинг пайини қирқиш учун барча туманлардаги хокимиятлар, мактаблар, махаллалар ва ташкилот раҳбарларига катъий кўрсатмалар беришган.

Зулм авжга минган жойда, эрксевар инсонларнинг озодлик ва ҳуриятга чорловчи чақириқларни тарқатиши, бу аслида табиий ҳолатдир. ЎХХнинг «Зулмга қарши 7 кун» лойихаси, Ўзбекистон ичидаги ҳақсизларни ҳаракат қилишга чорлади.

“Зулмга қарши 7 кун” лойихаси доирасида Ўзбекистон Халқ Ҳаракати, мамлакат ичидаги фуқароларга Ҳаракат логотипи туширилган қоғоздаги озодликка чорлочи иборалар, шеърлар ва шиорлар битилган варақаларни одам гавжум жойларга ёпиштириб кетишни таклиф қилган эди.

Ўзбекистонни озод кўришни истаган фидойилар, ЎХХнинг бу лойихаси устида дарҳол иш бошлаганлари қувонарлидир. Бугун Ўзбекистоннинг турли бурчакларидан келаётган хабарларда, ЎХХнинг логотипи тушурилган варақалар топилаётганлиги айтиляпти.

Бунинг эса маъноси битта: Халқ зулмдан тўйган ва у диктатор Каримовга «Даф бўл!» деб айта олади.

Лочин Насим, ЎХХ фаоли.

“ЗУЛМГА ҚАРШИ 7 КУН”ДА ҚАТНАШИНГ!

ЎХХ мана шундай мурожаат билан чиққандан кейин ҳамюртларимиздан бу сиёсий норозилик тадбирига амалий жавоблар кела бошлади. Бу ерда шулардан иккисини келтирамиз:

“Ээ, койил ээй, ЎХХга! Бугун Чорсу бозоридан чиқиб келаётсам, остановкада беш олти одам эълонларни ўқиётган экан. Қанақа эълон экан деб бориб қарасам, остановканинг стойкасида мана шу листовкани кўриб қолдим. Қойил! кимдир икки жойга ёпиштириб кетибди. Одамлардан биттаси шеър зўр экан деб соткасига расмга ҳам олди.

Очиги, шу лойихани ўқиганимда шахсан ўзим бунинг бир фойдасиз иш деб ўйлагандим, лекин бугун адашганимни ўз кўзим билан кўрдим. Отасига минг раҳмат шу иедяни ўйлаб топиб қилганларга.

Ҳақиқатдан ҳам шу ишни қилса, Тошкентнинг кўчалари ЎХХнинг даъватларига тўлиб кетиши аниқ.

ЎХХ тўғри йўлдан кетаётганига, халқ билан ишлётганига шубҳам қолмади. Бўш келманлар!”

Зайнин
salom aka axvolariz yaxshimi aytgan ishimni bajardim 3 joyga yopishtirdim lekin serqatnov ko'cha bo'lgani uchun rasimga

ololmadim rasimga olganimga spichkasi yonib xamani etibori tortilardi.keyin u o'zimizning hududligi uchun xama mendan shubxalanadi aka bilasizku man uzbdaman yaqinda rosiyaga ketaman uyoqda qanaqa vazifa bo'sa xarakat qilaman qilishga. Man xali ko'chaga chiqmadim abetdan keyin chiqib xolati kim nima qilyaptganini yozaman sizga

(Гуруҳимизда исми сир қолишни истаган аъзоси)

Бизга келган яна бир мактубда шундай дейилади: “Ўзбекистонда инсонлар сиз бир мақолангизда ёзгандек ҳақиқатни, яъни Ислом Каримовнинг диктатор эканлигини чекка чеккада, яширинча эмас, ҳозирги кунда баралла кўчаларда, бозорларда, автобусларда, таксиларда айтишмоқда...”

Хурматли дўстлар, ҳамюртлар! Шу нарса ҳақиқатки Ўзбекистон Ислом Каримов диктатурасидан қутулиши учун ҳаммамиз бир бўлиб ҳаракат қилишимиз керак. Эркинлик ва Адолат осонгина ва дарров қўлга киритилмаслиги мумкин, аммо агар халқимиз ҳаракатга кечадиган бўлса Диктаторлик режими мутлақ шақлда қулайди.

ЎХХ “Одноклассники” гуруҳи

КЎНГИЛ ДЎСТЛИГИ – ОХИРАТ ДЎСТЛИГИ

Азиз диндошлар!

Мухтарам фуқаролар!

Асосий сўзимиз ҳақида сўз очилган олдин бир масала хусусида тўхталиб ўтишликни жоиз, деб топдик. “Кўнгил” – бу Аллоҳ бизни ҳақ дунё билан боғлаган от ёхуд кўприк воситасидир. У бизнинг Аллоҳ севгисини англашимиз, унга бўлган муҳаббатимиз ҳамда ишончимиз гавдаланажак муборак неъматдир. Бу неъмат бизга яхшилик ва ёмонлик, зулм ва оқибат, ёлгон ва ҳақиқат, жоҳиллик ва эзгулик, тубанлик ва ориятни, кўрқоқлик ва шижоатни ажратувчи, бир сўз билан айтганда бизларни ҳақ йўлга бошловчи муборак неъматдир. Аллоҳ таоло дилларимизни хушлик ҳамда ҳақлик ила тўлдирсин. Омин.

Энди сўзимизни баён этсак. Ҳар бир кунимиз жуда зиддиятли ҳамда сиёсий тазийқ остида ўтаётганига қарамай фуқароларимиз онгида эркинлик ҳамда озодлик йўлида сиёсий ҳамда ижтимоий илмлари шаклланмоқда. Атрофда зулмкор кенг оммавий босим ўтказаятган ташкилотларнинг тадбирлари ила йўлингиздан чалғиманг, айни биродарлар юқорида урғу берган сифатларимиз ила яқдил бўлишлари лозим.

Бугунги кун мавзуси жуда долзарб, лоқайд бўлишга йўл қўймайлик. Ҳар кимнинг айни ўз ҳиссаси, ўз кўмаги бор. Фикрланг, тадбиркорлик соҳасида, ҳайдовчилик соҳасида алоқаси йўқ кишиларимиз деярли қолмади, мусофирлик нонини тотмаган кишиларимиз деярли қолмади. Ноанъанавий тажовузкорлик ҳамда талон-тароҳлик ҳолатларига деярли ҳар кун гувоҳ бўлаяпмиз.

Хоҳласақда хоҳламасақда “кўниб яшаш” деган шиор ортида қолмоқдамиз кўпинча. Аммо кўниш бошқа, кўнгил бошқа. Кўнгилларда эзгулик сари, холислик сари самимий қиёфа яратайлик. Кўнгил Ҳақ занжири сифатида бизларни бирлаштирмақда, бир жамоатда бир сафда қилмоқда. Халқимиз Кўнгилдаги эзгуликни рўёбга чиқариш учун аввало кўнгилларимиз ўзаро иттифоқ бўлсин, зеро кўнгил дўстлиги охираат дўстлиги.

Ўзаро оқибатда, меҳрда, хуш иттифоқда бўлиш мўминлик сифатларидандир. Дилимизда нопок сифатларга ўрин бўлмагани каби ҳаётимизда ҳам содир бўлаётган нопокликларга ўрин йўқ.

Одноклассники.ру дан
YMON MUFASSAL

КАРИКАТУРА УЧУН МАВЗУ: ОТА 40 ЁШЛИ ҚИЗИНИНГ СОЧИНИ ЎРАРМИШ...



Қаердадир Гулнора Каримованинг шеърини кўшиқ қилиб айтганларини эшитдим. Мусиқа хусусида бир нарса демайман. Зеро бу соҳада мутахассислигим йўқ. Фақат сўзларига эътибор бердим. Ҳайратлансангиз арзийди. “Муаллиф”нинг русча бир нарсалар ёзиб юришини билардим. Бу ерда – “кўшиқ” қилинган матн – ўзбекча. Демак, таржима қилинган. Таржимон ҳам асл нусха даражасидан юқори эмас. Ўқиб кўринг:

Яна бир бор сочим майда ўринг,
отам.

Истасангиз мен ўғилнинг ўрнин
босай...

Ва ҳоказо... ва ҳоказо...

Отаси кимлиги ҳаммага маълум.
Франция суди қарори билан тан олин-

ган қонхўр диктатор, Маддохлари уни президент деб ҳам аташади. Нима бўлса бўлсин, лекин қизи ёзган кўшиқда янги бир шаклда, янги образда кўринаяпти. “Кўшиқ”нинг асл матни, бачканалиги ҳақида гапириб ўтирмайлик. Таржиманинг ҳам ўта саводсизларча қилингани шундоғам кўриниб турибди. Буни ҳам таҳлилга арзимаслигини эътибордан четда қолдиришимиз мумкин... Фақат юзак қараганда ҳам кўзга ташланиб турган мазмунга бир қаранг! Менимча, бу ерда бир карикатурачи расом керак холос... Тасаввур қилинг: Етмиш ёшлик ўша ҳаммага отнинг қашқасидай таникли халқ қотили, қонхўр диктатор ёши элликка қараб кетаётган қизини тиззасига олиб ўтириб, сочларини майдалаб ўраяпти!

Ажойиб манзара! Қайси ўзбек ота қизининг сочини ўриши мумкин!

Халқимиз тарихида учрамаган ҳодиса. Шармандалиқнинг ўзи. Ёки – бу ҳам “буюк келажак” кўринишларидан бирими? Ҳар ҳолда карикатура учун арзийдиган бир мавзу...

Сиз нима дейсиз?

Ёдгор Обид

ЙЎҚ “ОБОД ТУРМУШ” ЙИЛИ

Эй..! Ўзбек халқи... Қадримизни мунча тушурмасак, қачон уйғонамиз бу гафлат уйқусидан... Қачон тепадегиларга юртимиздаги камчиликларни эркин ва холис билдира оламиз қачон..? қачон..? қачон..? – 100 йилдан кейинми..? ё – туяни думи ерга текгандами..?

Уйимизда газ, свет анқовни уруғи бўлса, кўчада ишсизлик муаммоси ёки иш топсанг ҳам ойлик маошингни чунки кам ҳечнарсга етказиб бўлмайди.

Ўлганни устига тепган қилиб орақунда светдан, газдан, уй солиғи, йиллик даромад солиғи ходимлар эшигимиз олдида тиламчидек туриб олишади. Ойлик маошингни оласану, уларга топширасан ва яна ҳечнарсга кўрмагандек қўлни чангини қоқиб уйда ўтириб бошингни қотирасан. Чет мамлакатга иш ахтариб чиқсак Гастербайтер, Чурка, Чурний деб ҳақоратлаб камситишади, ҳатто Африкалик нигерлар ҳам биздан обрўлироқ хозирги пайитда.

То эркин фикримизни айта олмай тилимизни тишлаб юрар эканмиз, пул топиш илинжида Россия, Қозоқистон,

вахоказо..., давлатлар ўзининг аҳолиси қилишга ор қиладиган оғир, кийин шароитдаги

ишларни қилишга маҳкумиз. Наъчора ўзингни давлатинг сани қадирламагандан кейин бегоналар сани кучоқ очиб кутиб олармиди... 30 градусли совуқда қор кураймиз, кўп қаватли янги қурилайётган домга 40-50 килолик қурилиш молларини ташиймиз, ёки иш топа олмай сарсон саргардон юртга зўрга қайтиб келамиз...

Бу нима ахвол..? Яна телевизорда карриллашади – Ўзбекистон ёшларини келажаги порлоқ.., деб... Э-э-э..! Кани.., порлоқлиги..? Мустақил бўлганимизга 20 йилдан ошган бўлса оддий халқ нима кўрди турли хил қонунлар ишлаб чиқияпти оддий халқга буни фойдаси тегмагандан кейин, бу қонунлар бир тигин.

Мухтарам Президентимиз 2013 йилни “Обод турмуш” йили деб элон қилипти... Ман хайронман 21 йилда обод бўлмаган турмушимизни қандай қилиб бир йилда обод қилиш мумкин..?

Одноклассники.ру дан
Оддий халқнинг оддий фарзанди
Ўзбекистон.

ЎХХнинг навбатдаги ёлғони. Ўзини “Замондош халқаро фонди” деб атайдиган бир ташкилотнинг сайтида 14 январь кунда эълон қилинган бир мақола шундай номланибди. Мақоланинг муаллифи эса Абулқосим Мамарасулов экан.

“Муносабат” рукни остида берилган бу мақолада шундай жумлаларни ўқийсиз: “2013 йил 13 январь кунини Ўзбекистон Халқ Ҳаракати сайтида “Жиззахда зулмга қарши варақалар тарқатилди”, номли мақола эълон қилинди.

АВВАЛ ЎЗИНГА БОҚ, КЕЙИН НОҒОРА ҚОҚ

Мақолага муносабат билдирмасдан олдинок таъкидлаш жоизки, хаминқадар мазкур сайтга аксарият холларда ўқувчилар мутлақо ташриф буюрмаганлари туфайли мазкур сайт эгалари вақти вақти билан ана шу тарздаги “экстракласс” мақолалар эълон қилиб, кўпчилик эътиборини ўзларига тортишга уриниб келишади.

Энди эса мақсадга ўтсак. Ўзбекистон Халқ Ҳаракати (ЎХХ)нинг сиёсат майдонида пайдо бўлиши ортидан диктатор Каримовнинг ҳукумати кимларни дунга қарши ол киш-кишларда давом этаётгани ва шундан келиб чиқиб айтиш жоиз бўлса, “замондошчилар” олдиларига кўйилган вазифани бажараётганларини тўғри тушуниб, уларга бирор сабоқ беришга ҳам ҳожат қолмайди. Бунақа ол киш-киш қилинганлар яна бир қанча сайтлардир.

Чунончи, ЎХХ сайтини биров кўрмаслиги, биров уни билиб, биров билмаслиги ҳақида ҳар қанча даъволар қилинмаса-да, аслида аҳвол биз айтганганимиздек эканлиги ботма-бот ўз исботини топиб келади. Бироқ, бу каби мағзава пуркайдиган сайтнинг, ҳамда хабар муаллифининг ёлғонини исботлаш ниятида эмасмиз.

Шунчаки, кимнинг ким эканлигини англаб олишни ўқувчиларнинг, қолаверса ўша “замондошчиларнинг” ўзларига ҳавола қилмоқчимиз.

Ўзбекистонда кўплаб сайтлар, шу жумладан ўзбек сиёсий муҳолифати сайтлари, мустақил журналистик ва ҳуқуқбонлик ташкилотларининг сайтлари ва албатта Ўзбекистон ҳақида танқидий кўз қарашдаги мақолалар ёритадиган сайтлар ҳам блокировка қилинишини, уларга кенг жамоатчилик бемалол ташриф буюра олмаслигини инобатга олишимиз лозим. Шунингдек, Ўзбекистондаги интернет-кафеларидаги турли туман пойлоқчиларнинг навбатчилик қилишлари ҳам бутун сир эмас.



тарқатувчи uznews.net сайти 417.554 ўринни эгаллаб турибди. Дунё ўзбеклари сайтига ташриф буюрувчилар сони ҳам унчалик кўп эмас. Бу сайт (dunyouzbeklari.com) дунё статистикасида 23.523.532 ўринда экани маълум бўлди.

Ўзбек муҳолифатига қараб тош отишни ўз моҳиятига айлантирган сайтлардан бири “Янги дунё”ни эса умуман бу рўйхатда кўрмаймиз (yangidunyo.org). Янги дунёнинг нечанчи ўринда эканлиги ҳисобга ҳам чикмайди. Абдурахим Пўлатов бошқариб келаётган “Ҳаракат” сайтига ҳам бир назар ташлайлик. У дунёда 6.214.382 ўринда эканлигини кўрамай.

Энди ЎХХ ни кўрайликчи. uzxalqharakati.com сайти эса дунёда ташрифларнинг кўплиги билан 4.047.708 ўринда эканлигини кўриш мумкин.

Аmmo “Замондош халқаро фонди”нинг сайти эса (аслида zamondosh.blogspot.com саҳифаси орқали чиқади) 7.451.043 ўринда эканлигини кўриш мумкин. Яъни ЎХХ дан тақрибан 3 ярим миллион орқада...

Сизга тақдим этаётганимиз, 2013 йилнинг 14 январь кунги, Европа вақти билан соат 18:00 даги кўрсаткичлардир.

“Аввал ўзинга боқ, кейин ноғора қоқ” дейдилар. “Замондошчилар” ЎХХ га қараб ҳуришдан олдин ўзларининг аҳволларига бир қараб қўйсалар тузукроқ бўларди.

Тўлқин Қораяев

МАРДИКОРЛАРГА ҲАМ ҲОЗИРГИ ҲУКУМАТ КЕРАК ЭМАС



Маълумки “Мардикорларнинг касба уюшма” ташкилоти раҳбари Нураддин Джуманиязов, Ички Ишлар Вазири номига ёзилган шикоятда, мардикорларнинг ҳар ерда ушлаган вақтида уларнинг мажбурий дакти-

лоскопия (бармоқ изларини) ИИБ ходимлари томонидан олинаётганида ёзган эди.

Бу шикоят бўйича ИИВлиги профилактика хизмати бўлим бошлиғи Жаҳонгиров Ислонбек Сайдалиевич билан мулоқотда, у ҳақиқатдан бармоқ излари олинаётганлиги қонуний деб тан олган.

Шу масала бўйича 17.01. 2013 йил соат эрта билан 9да ташкилот раҳбари Нураддин Джуманиязовни, негадир Тошкент шаҳар ИИБ терроризмга қарши бошқарма бошлиғи ўзини полковник Матмуратов Баҳодир деб ўзини таништирган сўровга тутган. Мардикорлар ташкилотини бошқаришга сизни ҳаққингиз йўқ, сиз ҳимоя қилаётган мардикорларнинг

кўпчилиги жиноятчи, уларни ҳимоя қилишни тўхтатмасангиз сизга Жиний Кодксини 60та моддаси билан жиноятга тортишга далилим бор, сизни бошқа мардикорлар биржаларида кўрмай! деган дўқ-пўписалар билан тушунтириш хатини ёздириб олган. Кўринишича, мардикорларнинг турмуши, уларнинг сиёсий, иқтисодий ва социал ҳуқуқлари ҳимояси ҳозирги ҳукуматга керакмас кўринади, мардикорларга ҳам ҳозирги ҳукумат керак эмас.

Абдилло Тожибой-ўғли.

Пресс-центр: “Ўзбекистонда ҳалол ва адолатли сайловлар учун” жамоат бирлашмаси.
17.01. 2013 й.
Тошкент, Ўзбекистон.

ТИНЧЛИК, ДЕБ НИМАНИ АЙТАПСИЗЛАР?

ЎХХ аъзолари Ўзбекистондаги бугунги халқнинг ҳақиқий ахволи ва уларга нисбатан И.А.К диктатураси томонидан бўлаётган ноҳақликлар, зулм ва тазйиқ ва таъқиблари ҳақида далилларга асосланган мақолалар ёзишса.

Баъзилар буларга нисбатан; – Намунча ношукрлик қилиб, нолийверасизлар, юртимиз тинч шунисига шукур қилсаларинчи..? дея норозлик билдиришмоқда. Нима..? Бу ерда, яъни ЎХХ сайтларида биронта инсон ўз тақдиринан нолияптими..? Ё биронтаси ўзининг шахсий муаммоларини ўртага ташлаб ҳаммани бошини қотиряптими..? Бу ерда кўтарилаётган муаммолар битта инсонники эмас, бутун бир бошлиқ ўзбек халқиники эканлигини унутманглар..!

Нахотки.., оддий халқнинг ахволи яхшиланмай бир жойда қотиб қолганини тан олмасизлар. Кошки Ўз тв сидаги гаплар ҳақиқат булсайкан.., қайси каналга олсанг ерталабдан кечкача фақат ютуқларимиз ҳақида гапиришадиган;

“Ўзбекистон кундан кунга гуллаб, яшнаб бормоқда” деб мақташадиган, қамчиликларни гапиришмайди, халқни қийналаётганини айтишмайди, худди бутун муаммолар Ўзбекистонда аллақачон ечилиб бўлгандай.

Яна;- Юртимиз тинчқу шунисига шукур қилсаларинчи..! деябсизлар.

Нима..? Бошқа давлатларда учинчи жаҳон уруши бошланиб, бизда тинч эканми..? тинчлик, хотиржамлик дейилганда нимани назарда тутяпсизлар ўзи..?

Халқнинг ҳақини, миллий ва табиий бойлигини талон- тарож қилиб ўлиб қолмаслиги учун бир бурда нон бериб яна миннат қилишларини айтяпсизларми тинчлик деб..?

Хусусий тадбиркорларни кўрқитиб, улардан ноқонуний пул ундириб давлат хисобига ўтказиб фирмасини банкрот холга келтириб. Шу тадбиркорнинг қўл остидаги ишчиларни ҳам ишсизлик гирдобига улоқтиришни айтяпсизларми тинчлик деб..?

Ўки илмли, зиёли ҳақиқатни кўзига тик боқадиган, мўмин мусулмонларга

терорист, экстремист, ҳизбут, нурчи деган тамғани босиб қамаб, қийнаб йўқ қилиб юборишларини айтяпсизларми тинчлик, хотиржамлик деб.

Кўзларимизни каттароқ очиб атрофга теран назар солалик..! Бу ерда ҳеч ким ношукрлик қилиб нолийвергани йўқ, аксинча зулм ва ноҳақликка қарши курашиб адолат қарор топишини истаяпти, холос..

Пайгамбаримиз Мухаммад (с.а.в) айтмаганмилар; Бирор мункар яъни (ёмон) ишни кўрсангизлар, уни қўлларинг билан қайтаринлар (агар қўлларинг билан қайтаришга кучларинг етмаса) тилларинг билан қайтаринглар (тилларинг билан қайтаришга кучларинг етмаса) қалбларинг билан қайтаринглар, учинчиси иймоннинг энг зайифидир..., демаганмилар.

Демак халққа нисбатан ноҳақлик бўляптими, биз бунга рози бўлмаслигимиз керак экан яъни (ҳеч бўлмаса уни қалбимиз билан ёмон кўришимиз керак экан).

Одноклассники.ру дан
Оддий халқнинг оддий фарзанд

Бу “деворга” гишт ташиш кишининг яхшиликка ўз хиссасини қўшишидир... Бу деворга гишт ташишнинг шартли “гиштни” қўлларингизда тутаркан, на девор эгасини, на да деворни, на да ташилган гишт учун бериладиган, айтиладиган миннатдорчиликни тушунишдир... Гишт ташиётган киши буларни тушунмаслиги керак... Ниятида, ақлида, шуурида, руҳида, калбида Аллоҳ ризоси бўлиши керак гишт ташувчининг... Фақатгина Аллоҳ таолонинг ризосига эришиш...

ЯХШИЛИК ДЕВОРИГА ГИШТ ТАШИШ

Яхшилиқ деворига гишт ташийдиган кишининг кўз ўнгига аввало Мадинага хижрат қилингандан кейин мусулмонлар иншо қилган илк мажидга гишт ташиётган Мухаммад (сав)нинг муборак қўллари келиши керак...

Ҳар биримиз ҳар куни яхшилиқ деворига энг камида битта гишт ташишимиз керак... Шунда яхшилиқ “девори” тезда улғаяди...

Шу ният билан гишт ташишга уриндим кеча ва бугун...

“Озодлик”да ўзбек зиёлиларининг Сох воқеаларидан хабарсиз эканлигини ўқидим ва шундай изоҳ ёздим бу мақолага:

“Ўзбек зиёлилари ўзбек халқи қаршисида маънавий қарздордилар. Уларнинг кўпчилиги Каримов диктатурасига жуда осон таслим бўлдилар...”
Дўстларимиз Қудрат ва Шухрат Бобожновлар Фейсбокга Омон Матжоннинг Ўзбекистондаги моддий ва маънавий фожеавий ахволдан шикоят руҳидаги шеърини кўйишган экан. Бу “материалга” ҳам, гишт ташиш ўрнида, шундай шарҳлар ёздим:

Инсон нима дейишини ҳам билмайди... Нима экан бўлсанг шуни ўрасан дейишадигу. Омон Матжон ўзи экан, энг камида биров экану ўзи сув ташиб турган чан-

галакзор ҳақида шеър ёзганмикин... Энди эса бу чангалакзордан шикоят қилаяпти... Ҳақиқатан ҳам нима дейишимни билмайман мен..

Бу шеърни тавба, надомат шеъри, дея ҳам баҳолаш мумкин... Унда муаллиф бу руҳ ҳолини амалий ишлар билан тасдиқлаши керак бўлади... яъни диктатурага қарши бирон фаолият ўртага қўйиши керак бўлади...

Ҳа эсладим Омон Матжоннинг зулмга сув ташиганини... Ислому пошшо яшасин

деганмиди Ўзбекистон халқ шоири унводини олиш учун..

Албатта хато ва гуноҳ қилганлар, буларнинг бадалли сифатида яхшилиқ деворига бир икки гишт ташишлари керак бўлади.. Шоир эмасману яна шеър ёздим бу кунларда:

Нахотки,
Ҳамма ўз жойида қолиб,
Сиз кўчиб кетдингиз.

Девордаги эски,
Гишт каби..

Ўки ноўрин
Режаланмаган
Иш каби...

Ниятим девордан бир гишт тушган бўлса унинг ўрнини тўлдириш эди...

Ҳар куни (хозирги кунда ҳамма шундай қилса керак) ерталабдан интернет саёҳатига бошлайман. Сайтларда бирида катта ҳарфлар билан “БИЗ МУҲАММАД СОЛИҲ ТАРАФДОРИ ЭДИК” номли мақолани кўрдим ва ўқидим. Гапнинг қисқаси бу ЎХХ ва унинг раҳбарининг фаолиятига бағишланган. Унда ҳаракатимиз бошлатган “Зулмга қарши 7 кун” сафарбарлиги ҳақида гап кетади. Гуё биз Жиззахда ҳам зулмга қарши варақа тарқатадик, дея ёлғон гапирган эмишмиз.. Бу бизнинг навбатдаги ёлғонимиз экан. Яъни, ЎХХнинг қилган иши, айтган гапи барчаси

ёлғон... Мен бундай мақолалар муаллифлари А. Мамарасулов ва Шокир Саъдуллаевларга шуни тавсия қилган бўлардим: Сизлар Каримов диктатурасига қарши бир халқ ҳаракати тузсангизлар. Бу халқ ҳаракати ЎХХ дан минга марта яхши ва кучли бўлса.. Бу ҳаракат Ўзбекистонга эркинлик ва адолат келтиришда етакчи ҳаракат бўлса... Ҳамма бўлмаса ҳам кўпчилик сизларнинг ҳаракатларингизни қўллаб қувватласа ва бунинг натижасида Ўзбекистонда Яхшилиқ ва Адолат тантаъна қилса... Сизларни бундай ҳаракат тузиш ўрнига, яъни яхшилиқ деворига тош ташиш бўлиб, яхшилиқлари ва камчиликлари билан ўзбек халқи ва муҳолифати ичида ҳақиқий маънода сиёсий ҳаракат бўлган ЎХХ ва унинг таниқли раҳбарига тош отишга ундаётган нарса нима? Бу билан сизлар қайси “Яхшилиқ” деворига тош ташияпсизлар? Мухаммад Солиҳга келадиган бўлсак, унинг Ислому Каримов зулмига қарши адолат деворини қуриш, халқимизнинг эътиқодини, илму муърифатини, обрўсини, шон шарафини ҳимоя қилиш учун ҳар куни бир “гишт” ташишга уринаётганига камини гувоҳдир... ЎХХнинг “Зулмга қарши” варақалари Ўзбекистонда тарқалди ва тарқалмоқда. Бунга бизнинг ашъвий ва ҳужжатли далилларимиз бор. Бизга бу ҳақда хабар юбораётганлар оддий ва гандошларимиздир.. Улар Ўзбекистоннинг тезроқ диктатор Каримов зулмидан қутулишини истайдилар... Бу йўлда ҳаётларини таҳликага отиб, бизнинг варақаларимизни тарқатмоқдалар. Яъни, улардан ҳар бири “Яхшилиқ” деворига ўз гиштини ташиб келмоқда...
Бу Жума кунини шундай “гишт” ташишлар билан бошладим. Иншаллоҳ, яхшилиқка бўлгандир... Иншаллоҳ, ниятим ва уринишим бўшга кетмагандир. Жумангиз муборак бўлсин, дўстларим. Аллоҳ таоло ибодатларингизни, қилаётган яхшилиқларингизни қабул қилсин! Омин!

Намоз Нормўмин

Комил инсон истамаг...

Инсон фитрати яхшилик ва эзгулик истади. Бундан инсоннинг бахри очилади, қалби қувонади, шуури тиниклашади. Ёмонлик эса бунинг зиддини ўртага чиқаради. Ундан инсоннинг қалби қораяди, кўнгли бузилади, дунё кўзига тор бўлиб кўринади

Яхшиликни ҳам ёмонликни ҳам инсонлар амалга оширадilar...

Ёмонларнинг (имонсизларнинг, мунофиқларнинг ва ҳк) юзи қурисин, Аллоҳ ҳеч кимни уларга дучор қилмасин, машхур ёзувчи Абдулла Қодирий айтгандек “Ёмондан ҳазар лозим...”

Холики кўрийдди. (Албатта инсонлар қадарларида ўзларига белгиланган ризқларини қобилиятлари даражасида меҳнат қилиб топадилар ва Холик уларни кўриши учун чора-тадбирлар қиладилар). Халқни мен боқаяпман, деган одамнинг вазиғаси халққа хизмат қилиш эди, аммо у ўзини бутун халқдан устун кўяди, бу билан кибрланади, ўзини дунёнинг устунлиги, мен бўлмасам бу устун йиқилади ва инсонлар мангу қоронғуликда қолиб кетадилар, дея ўйлайди. Аслида шайтон унга шундай васваса қилади, чунки у бўлмаса халқ ёруғликка чиқишини бу золимнинг ўзи билмайди...

рат кунига, фаришталарга, Китобга (Қуръонга), Пайғамбарларга иймон келтириш ва яхши кўрган молини қариндошларга, етимларга, мискинларга, ватангадоларга, тиланчиларга, қул озод қилишга бериш, намозни қоим (тўғри) қилиб ўқиш, закот беришдир. (Яна яхшилик) Аҳд қилганда аҳдига вафо қилиш, камбағаллик, қийинчилик пайғида ва шиддат вақтида ҳам сабр қилишдир. *Мана (шундай яхшиликларни қилувчилар) тодиқ бўлганлардир. Ана ўшалар тақводорлардир.*” (Бақара сураси 177)

Демак, яхшилик соҳиблари мана шундай кишилардир.

20 – 30 ЁШЛАРДАГИ ҲАМЮРТЛАРИМГА (5)

Аммо яхшиларчи? (мўминлар, муҳсинлар ва ҳк). Яхшилар фариштами? Яъни, улар мукамал, баъзилар (масалан, сўфилар) иддоа қилганлари каби “комил” инсонларми?

Комил мукамал, хато ва гуноҳдан узоқ деганидир. Ажабо, инсонларнинг энг яхшиси бўлган мўмин - мусулмонлар орасида бундай “фаришта” инсонлар топиладими? Йўқ, топилмайди...

Расулulloҳ (сав) машхур ҳадисларида шундай деганлар:

“Одам болаларининг барчаси хатоқордир. Хатоқорларнинг энг яхшиси тавбақорлардир...”

Бунинг сабаби бутун инсонларда нафс борлигидир. Нафснинг маъноларидан бири унинг яхши ва ёмон истақларнинг манбаси бўлишидир. Қуръони Каримнинг Юсуф сурасининг 53 оятида шундай дейилади:

“Ва ўз нафсимни оқламайман. Албатта, нафс, агар Роббим раҳм қилмаса, ёмонликка кўп ундовчидир. Албатта, Роббим мағфиратли ва билгувчидир», деди..” (Юсуф сураси 53 оят)

Ёмонлик аҳиллари (имонсизлар, мунофиқлар ва ҳк) нафси аммора аҳиллари дидир. Уларнинг борлиғида нафснинг мана шу ҳоли ҳукмрон бўлади. Шу туфайли улар зулм, ёмонлик, ёвузлик, гуноҳ йўллари таниладилар. Бу қилган ёмонликлари туфайли қалблари қораяди, фитратларидаги имон томири улғаймайди, ақллари эса нафси амморанинг (ёмонликка ундовчи нафснинг) хизматида бўлади. Бундай ақл аросатда қолган ақлдир, у бу ҳолида Ҳақ ва ботилни бир - бирдан ажрата олмайди, аксинча ёмонлик ва фитна йўлида нафси амморага хизмат қилиб, турли ёзувлик режаларини тузади ва натижада бундай нафс ва ақл эгаси инсон зулм машинасига айланиб қолади. Унга насихат қор қилмайди ва шайтон бундайларга қилаётган ёмонлик ва зулмларини яхшилик, дея кўрсатади...

“Мен, дейди бундай нафси аммора эгаларидан бири, халқни боқаяпман ва кўрияпман. Мен бўлмасам бу халқ қандай яшайди...”

Бу сўзлар кибр тўла, ёлғон ва зулм сўзларидир. Чунки халқни бир одам боқа олмайди ва кўрий олмайди. Халқ Холики берган ризқ билан тўяди, уни

Бу золимнинг зидди бўлган, яъни адолат истаётган инсон комил инсон бўла оладими? Афсуски бу саволнинг жавоби ижобий эмас. Золимларга қарши турадиган олимлар, зиёлилар, курашча инсонлар ҳам хато ва гуноҳлардан пок эмасдилар. Бошқача сўз билан айтганда бу дунёда Ҳақнинг борлигини аниқ бўлгани каби, ботилнинг борлиги ҳам аниқдир. Шунинг учун ҳам масала бу дунёни “фаришталар” дунёсига айлантириш масаласи ҳисобланмаслиги керак. Чунки фаришталар бу дунёнинг аҳиллари эмаслар. Бу дунёнинг аҳиллари инсонлар ва уларнинг хизматида берилган еру кўк ва уларнинг орасидаги барча жонзот ва нарсалардир. Ер юзида яхшиликнинг ёмонликдан устун бўлиши ёмонликнинг тамоман йўқ бўлиши эмас, айнан яхшиликнинг ундан устун бўлишидир. Ёмонлик унинг ижодкори шайтон билан бирга бир бурчакка ҳибс қилиниши керак. Чунки шайтонга қарши ўлим жазосини ишлатиб бўлмайди, уни ўлдириб бўлмайди...

Инсонлар бошқалардан мамнуниятсизликларини гоҳида шундай ифода-лашга уринадилар:

“У ўпоқдир, бу чўпоқдир, у новчақдир, бу йўғондир...”

Бундай дейдиган инсоннинг ўзичи? Асл масала ҳам шу ердадир, инсоннинг табиати ўзига эмас, бошқаларга баҳо беришни яхши кўради. Агар инсон ойнада ўзига яхшилаб разм солса, шундай ўпоқликлар, шундай чўпоқликлар кўрадики, унинг бошқаларга баҳо беришига на вақти нада дармони қолади...

Инсонлар тан олиши керак бўлган асосий ҳақиқат Ҳақ йўл, адолат, яхшилик, инсон қандай эркинликларга эга бўлиши керагу қандай эркинликларга эга бўлмаслиги керак, деган асосий масалаларни ўзларича ҳал қила олмасликларини тан олишларидир. Чунки булар ақл излаб топа оладиган масалалар ҳисобланмайди. Агар бу иш ақлнинг ўзигагина берилса, ўртага мингларча Ҳақ йўл, адолат, яхшилик, ҳуқуқ турлари чиқади. Чиқади эмас, чиққан ҳам. Инсониятнинг тарихи ва бугунига қарасак бу ҳақиқатни яққол кўришимиз мумкин:

“Яхшилик юзингизни машриқ ёки мағриб томонга буришингизда эмас.

Лекин яхшилик Аллоҳга, охи-

Масалан, намоз ўқиш яхши амалларнинг асосийларидандир. Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз (сав) “Энг яхши амал ўз вақтида ўқиладиган намоздир”, деганлар...

Бугун шундай атрофга разм солсак яхшиликдан, адолатдан, эзгуликдан бонг ураётган қанча инсонларни кўраемиз. Аммо улар бенамозлар, яъни асосий яхшиликдан ўзлари махрумлар...

Бақара сурасидаги 177 оятда марҳамат қилинган яхшилик эгаларига келадиган бўлсак, уларнинг ўз сафдошларини “ўпоқ ва чўпоққа” чиқаришга асло ҳақлари йўқ. Ҳадиси шарифда айтилгани каби улар (мўмин- мусулмонлар) бир - бирларининг айбларини яширадilar ва бир бирларига тиллари ва қўллари билан зарар бермайдилар...

Бугун дунёда афсуски яхшиликнинг эмас ёвузликнинг тарафдорлари ҳукмрондир. Бугун шайтон ҳибс қилинган эмас, аксинча ҳар томонда малайлари билан от чоптираётган кундир. Бугун инсонлар саройларини ва уйлари мукамал иншоат қилдик ва уларга дунёнинг энг мукамал кулф ва калитларини осдик, дея ўйлаётган кундир. Аммо бу уй ва саройларни шайтонлар босиб олганидан афсуски уларнинг хабарлари йўқ...

Бугун инсоният тарихда ҳеч қачон бўлмагани каби адолатга муҳтож. Адолатнинг зидди зулм, яъни ҳақ эгаларига ҳаққини бермасликдир.

“Аллоҳ адолатни, яхшиликни, қариндошларга (мол мулкдан ва бошқа йўллар билан ёрдам) беришни амр этади ва фаҳишу мунқар ҳамда (яхшиликка) исёндан қайтаради” (Наҳл сураси 90)

Агар адолатни таърифлаш масаласи ҳам инсонларга берилганда эди, ўртага минг хил адолат шакли чиқарди. Бу эса адолатсизликнинг чўққиси бўларди. Шунинг учун ҳам инсониятни яратган Аллоҳ таоло адолатнинг мезонини ҳам белгилаб бергандир:

“Эй иймон келтирганлар! Аллоҳ учун ҳақда туринг, адолатли гувоҳ бўлинг. Бир қавмни ёмон кўришингиз сизни уларга нисбатан адолат қилмасликка олиб бормасин. Адолат қилинг. Бу тақвога оид ишдир. Аллоҳга тақво қилинг.

(Давоми кейинги саҳифада)

20 – 30 ЁШЛАРДАГИ ҲАМЮРТЛАРИМГА (5)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Албатта, Аллоҳ қилаётган амалингиздан харабдор зотдир. (Моид сураси 8 оят)

Демак, бировни ва ҳатто бир қавмни ёмон кўриш ҳам яхшилик аҳилларини (мўмин -мусулмонларни) адолатсизликка етаклай олмайди. Инсонлар эса фақат ўзлари яхши кўрадиганларга нисбатан адолатни бўлишни истайдилар, қолганларга зулм қилишни маъқул иш деб биладилар...

Зулм инсонларга, махлуқлотга ва бошқа мавжудотларга ўз ҳақларини бермасликдир. Зулмнинг “чўққиси” Аллоҳ таолонинг Ҳаққини унга бермаслик, яъни Унга тавҳид билан эмас, ширк билан бандалик қилишдир. Яна зулм инсонларнинг эътиқодига, жонига, ақлига, мол мулкига, номусу шарафига, ирсига (наслларига) тажовуз қилишдир. Демак, адолат ҳам аввало инсонларга мана шу ҳақларини таъминлашдир. Дўст бўлсин, душман бўлсин, мана шу ҳақларга эга бўлиши керак. Бу қоидага ботил аҳилларини Ҳаққа даъват қилиш ва улар дунёда фитна фасод чиқариб, инсонларга зулм қилганида уларни куч билан тўхтатиш албатта кирмайди...

Зулмнинг энг даҳшатлиси инсоннинг ўз нафсига зулмидир. Яъни, нафснинг шаҳватини (ейиш, ичиш, мол мулк ортириш, жисмоний шаҳват ва ҳк ларни) ҳаром йўллар билан қондиришдир. Бундай золимлар икки йўлдан зулмга киришадилар: ботинларида нафсларига зулм қиладилар, зоҳирларида бошқа инсонларни қийнайдилар... Ҳақиқий золимлар мана шу золимлардир...

Бу гапларни ёзишимга сизларнинг ёшингиздаги бир укамнинг шу сўзлари сабаб бўлди:

“Бизлар (мўмин -мусулмонлар) бир -биримизнинг камчиликларимизга қарамай бирга бўлишимиз керак”.

Нақадар катта ҳақиқат бу. Бу ҳадиси шарифда айтилгани каби мусулмон кишининг биродарининг камчилигини яшириши, унга тили ва қўли билан зулм қилмаслигини ифодалаган ҳақиқатдир...

Эй, менинг ёш дўстларим!

Бу дунёда комил инсон изламангиз! Зеро, инсон фарзанди хато ва гуноҳлардан пок бўла олмайди. Масала, яхшилик аҳилларининг Ҳақ йўлда собит қадам бўлишлари, бу йўлда бирга бўлишлари, адолат тарафида туришлари ва унинг учун курашишлари, бир бирларининг хатоларини яширишлари ва кечиришлари масаласидир. Энг муҳими ҳар биримизнинг нафсимизни сўроққа тутиб, тавба таазурини унутмаслигимиздир...

Шунда комил инсон эмас, мўмин инсон бўла оламиз...

Аллоҳ рози бўлсин!

Намоз Нормўмин

БАҲОДИР Ф. МУСАЕВ: “ЭРТАНГИ КУН КЕЛИШИГА ИШОНАМАН!”



Дўстларим Муҳаммад Солиҳ ва Вячеслав Ахуновга мактуб
Бек, Вячеслав, ассалому алайкум!
Дўстларим, Сизларга бу маҳзун руҳда ёзаётганларимга жавоб беришларингиз албатта шарт эмас... Вячеслав, айганча сен ИХ нинг оёқлари ингичка эканлигини айтганинда ҳақли экансан. Бу иддао худди тиббий хулоса каби тўғридир. Мен ҳам золимнинг энг камида оёғи қуриб бораётганини кўриб турибман. Ақлимга тинмасдан: наҳотки бу йил ҳам ҳеч нарсга ўзгармай қолса, деган ўй фикр келмоқда...
Бек, Мен шундай кун тартиби ичида кутубхонамда “тасодифан” сенинг “Луна в колодце”, Советский писатель”, 1985) китобингга кўзим тушиб қолди.
У ерда 111 саҳифада шу сатрлар бор:
Бизга фалак ёрдам бермайди
Ёрдам бермас бизга бу Ер ҳам.
Бизга фалак ёрдам беради,
Ер ҳам ёрдам беражак албат -
Агар бир-биримизни севсак.
Сен деярли чорак аср олдин ёзган бу сатрлар бугун айниқса долзарбдир. Масалан, мен бу сатрларни ўқир эканман, ўзимнинг кенг осмон-

ни кўришимни, тезроқ баҳор, ёзнинг келишини истаётганимни сезаман. Вячеслав, мен сен билан ўтказган суҳбатимизда (қараң ” Вячеслав Ахунов -Замонавий Ўзбекистоннинг таниқли шахсияти”) бир пайтлар гуллаган боғларида болалигимиз ва ўсмирлигимиз ўтган Фарғонадаги « Жой-Дам» унута олмаслигининг эътироф қилганинг.

У ерлаги гилос ва ўрик дарахтларининг гуллаши ҳақидаги хотиралар доимо менинг руҳимни иситган ва иситиб келмоқда... Бунинг устига бу таассуротлар бугунги қора саҳналарга тўла кундалик ҳаётда ахлоқона фикрлардан кутулишимга ҳам ёрдам бермоқда...
Биз ёш бўлган у кунлар қанчалар узокларда қолди..

Бек,
Бояги китобингдаги “Эртага” номли шеърининг мана шу сатрлари ҳам мени ҳаяжонлантирди. Ишон дўстим, аслида бу сатрлар бугун учун ёзилган. Мен бу сатрлар ёш авлодларнинг қалбида аск садо берадиган келажакнинг яқинлашаётганидан умидворман.

Ишонманки, янги эртанги кун албатта келади!

“Эртага шубҳасиз бахтли бўламиз
Бугун ўлмасак.

Эртага орзуни қувиб етамиз
Бугун чополсак

Эртага

Қувонч улашамиз ҳаммага

Агар уни бугун тополсак.

Шоир куйламайди ғамгин куйларни
Эртага”.

1976

Сизларни қучоқлаб қоламан. Омон бўлинглар!

Баҳодир Ф., Мусаев.

14.01. 2013 Тошкент. Тузель -2

ЎЗБЕКИСТОН ҚИРҒИЗИСТОН БИЛАН ЧЕГАРАНИ ЁПДИ

Қирғизистон Чегара хизмати ОАВ ва жамоатчилик билан ишлаш бўлимининг маълум қилишича, қирғиз-ўзбек чегарасидаги «Дўстлик», «Маданият» ва «Кенгсой» ўтиш пунктлари 17 январдан эътиборан Ўзбекистон тарафидан бир томонлама ёпилди, дея хабар тарқатди СА-NEWS.

Шу билан бирга, Ўзбекистондаги Қирғизистон фуқаролари учун ўз юртларига, Қирғизистондаги ўзбекистонликлар учун эса ўз ватанларига ўтишга руҳсат берилмоқда. Ўзбекистон томони фақатгина авиабилети бор Қирғизистон фуқароларини транзит ҳолатида Ўзбекистон худуди орқали ўтказмоқда. Мазкур чекловлар фақат Ўзбекистон ва Қирғизистон фуқароларига нисбатан қўлланилмоқда.



Бошқа давлатлар фуқаролари чегарадан ҳеч қандай чекловларсиз ўтмоқдалар. 18 январдан эътиборан «Қизилкия» пунктдан одамлар ва транспорт воситаларининг ўтиши тўхтатилган. Мазкур чоралар Ўзбекистон томонидан Қирғизистонга расман билдирмаган ҳолда амалга оширилмоқда.

ЎХХ хабар маркази

ХУҚУҚБОНГА ТАЗЙИҚ ДАВОМ ЭТАДИ



Қаршида ҳуқуқбон Гулшан Қораевага таҳдидлар тўхтамаяпти. Утган йилги суд-тергов можароларидан сўнг таҳдидларнинг янги тўлқини бошланиш арафасида. Яқинда, аниқроғи, 2013 йилнинг 16 январь куни Гулшан Қораева номидан ёзилган бир мақоланинг интернетда тарқалгани маҳаллий МХХ (Миллий Хавфсизлик Хизмати) ходимларининг ғазабини келтирибди. Мақола <http://uz.hrsu.org/archives/4957> “Наҳотки бу ватанда бирор ўзгариш қилиб бўлмаса?” деб номланади.

“Гоҳ-гоҳида ўйловга толаман! Наҳотки бу ватанда бирор ўзгариш қила олмасак? Бунинг учун нима-лар қилишимиз керак? Муаммоларимизга ечим борми ўзи? Шундай саволлар бошимда гир-гир айланади. Куни-кеча нафақахўрларнинг жуда кўпчилиги нафақа пулларини сўрамай-нетмай, уларнинг розилигисиз эл орасида “пластик карточка” номини олган банк карталарига ўтказиб юборишаётганларини айтиб қолишди. Бу ҳолдан ранжиган нафақахўрлар эса тинмай Қарши шаҳар ижтимоий таъминот бошқармасига арз-дод қилишга

кетишаётганларини ҳам “дарду-ҳол” қилишади”, дея бошланади мазкур мақола.

Ўзбекистонда кечаётган жараёнлар ҳозирда қайноқ бир нуқтада турганини тушуниб олиш қийин эмас. Ислон Каримов ҳокимиятни қизи Гулно-рага ўтказиши керак ва бир умрлик сенатор бўлиб олиб, ҳукмронликни тагин давом эттириши лозим. Айти кезларда кимлардир қандайдир чақириқлар билан чиқиб қолиши, ёки элни қийнаб турган муаммолардан сўзи қотиши каримовчиларга мутлақо керак эмас!

Одамларнинг нафақа пулларини банк карточкаларига ўтказиб юборилишидан кўплар норози. Аслида бундай бўлмаслиги керак эди. Дунёнинг ҳар қандай мамлакатига банк карталари одатий ҳол ва унда кишилар ўзларига муаммо кўрмайди. Лекин Ўзбекистондачи? Электрон пулларни нақд пулга айлантириш зарурати туғиларкан, шундан ҳам ниманидир юлиб қолиш илнжида қарияларнинг нафақасига кўз тикаётганлар кам эмас. Бозор ҳам тезда янги ҳолатга мослашади ва аҳоли орасида норозилик кучаяди.

Халқ норозилигини газета ва телеканалларда эмас, “шивиш-шивир”ларда излаб кўриш керак. Айнан ўша “шивир-шивир”ларда одамлар ҳақ сўзни бир-бирларига, шунда ҳам ўзлари ишонган яқинлари ва дўстларига айта олишади. Бордию, “шивир-шивир”дан МХХ хабар топса, унда иштирок этганларнинг ҳаммаси жиноятчига айлантирилади.

“Бу норози гапларни эшитарканман, уйга қайтаётим, калламга ўз-ўзидан фикрлар кела бошлайди, уйга етиб

келганимдан сўнг, дарҳол компьютерга ўтираман-да, бармоқларим компьютер клавишлари узра юра бошлайди”, ёзади Гулшан Қораева ўз мақоласида.

МХХ Қашқадарё вилоят бошқармасига эса муаллифнинг айти мана бу сўзлари ёқмаган: “Талаб қилса бўлади, агар ҳамма бир ёқадан бош чиқарса! Кураш ҳаққоний бошланса, дунёга хабар берадиган оммавий ахборот воситалари, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар, муҳолифат фаоллари ҳам бор! Ҳамма гап курашга чиқишда!”

Ўзбекистонда одамлар ўз ҳақлари учун ҳам кураша олмасликлари, доимо кимдир ҳақиқатни хориждан келтириб беришини кутиб яшашга интилиши кузатилади. Албатта МХХ бу каби мақолага индамай қўйиши ҳам мумкин эди, лекин начора, 2015 йилда Ўзбекистонда ҳукумат раҳбари алмашини керак. Ҳокимият тизгинини Гулнора Каримова олиши лозим. Диктатор ота учун ўзга йўл йўқ ва у бор маҳоратини ишга солиб бўлса-да, ҳокимиятни қизига топширади. Фақат Гулнора Каримованинг халқаро бўрси ер билан яқсон. Мана шу масала ҳам ўз ечимини топиши керакдай. Фақат қандай қилиб? Боз устига кимдир халқнинг ўзи ўз ҳуқуқини талаб қилиши керак деб турса.

17 январь куни МХХ нинг ўзини таништирмаган бир ходими Гулшан Қораевага телефон қилиб, у билан гаплашиб олишини айтгани ҳақида хабар келди. Режим хизматкори унинг 16 январь кунда эълон қилган мақоласидан норози бўлганлигини ҳам келтириб ўтган. Демак, таъқиб давом этади.

УХХ Матбуот маркази

TELIASONERA VA KARIMOVA: “ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИЛГАН”

Швеция Апелляцион Маҳкамаси TeliaSonera ва Takilant ширкатларининг порахўрликка аралашгани борасидаги даъволар асосида маблағларини музлатиш юзасидан ҳукм чиқариб, Швеция ҳудудида жиноят юз берган дея қарор чиқарган.

Энди прокурорлар қуйи маҳкамага қайта мурожаат этиб, TeliaSonera ва Takilant маблағларини музлатилишига йўл очилади.

Швеция Апелляцион Маҳкамаси TeliaSonera мобил телефон ширкати-нинг Ўзбекистонда фаолият юритиш учун лицензия олиш жараёнида пора берганми йўқлигини текширган ва бу пора Швеция ҳудудида юз берган дея қарор қилган.

Маблағларни музлатиб қўйиш талабини Швеция Коррупцияга қарши Кураш Бўлинмасининг Бош прокурори



Гуннар Штетлер илгари сурган.

Жаноб Штетлер TeliaSonera ва Ўзбекистондаги ҳамкор ширкат ўртасида эришилган келишувга мамлакат президентни Ислон Каримовнинг яқинлари билвосита алоқадор эканликларини кўрсатувчи қатор ҳужжатларни маҳкамага тақдим этганди.

Стокгольмдаги Апелляцион маҳкамага тақдим этилган бу

ҳужжатлар Ўзбекистондаги телекоммуникациялар бозорига кириб боришда TeliaSonera қандай ҳаракатларни амалга оширганлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради.

Бу ҳужжатларда Ўзбекистонда қудратда бўлган доиралар TeliaSonera билан эришилган битимдан манфаатдор ва ширкатнинг ўзи ҳам бу йўлда олиб борилган музокаралардан хабардор бўлганлиги бўлиши мумкинлигидан далолат беради.

TeliaSonera Ўзбекистондаги лицензияга эришиш йўлида пора берганлиги ҳақидаги даъволарни рад этиб келмоқда. Ширкатнинг айтишича, тўланган пуллар Ўзбекистонга сармоя ётқишининг таркибий қисми сифатида қонуний ҳамкор – “Takilant” ширкати-га тўланган ва бошқа ҳеч қандай шахс бу битимдан манфаатдор бўлмаган.

(Давоми кейинги саҳифада)

TELIASONERA VA KARIMOVA: "ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИЛГАН"

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Би-би-си маҳкама жараёнини кузатган ва журналистик терговни олиб борган Швециялик журналисти Фредрик Лорин билан боғланиб, охири қарор тафсилотини сўради.

Лорин: Швециянинг апелляция маҳкамаси ҳақиқатдан ҳам жиноят содир этилган ва бу Швеция маҳкамасида кўриб чиқиши мумкин дея қарор қилган. Чунки жиноят Швеция ҳудудида юз берган бўлиши мумкин. Прокурорлар айнан шундай қарорни ишташганди. Бу қарор мазкур тергов учун жуда муҳим, чунки энди бугунга прокурор янада кўпроқ ҳисоблар ва маблағларни музлатишни сўраши мумкин бўлади.

Би-би-си: Агар пул ва ҳисоблар музлатилса, бу нимани аниқлатади?

Лорин: Бу дегани ўша пулнинг эгаси тергов тугамагунча ўз пулини ё ҳисобини назорат эта олмайди. Прокурор шуни сўраган, у бир неча миллион долларлик банк ҳисоблари музлатилишини сўраган. Бу ҳисоблар Телиасонера ва бошқа айбланувчиларга тегишли.

Би-би-си: Мана энди Швеция апелляция маҳкамаси Швеция ҳудудида жиноят содир этилган бўлиши мумкин дея қарор қилаётган экан, энди бугунга нима бўлади?

Лорин: Энди прокурор маз-

кур ишни яна қайтадан маҳаллий маҳкамага топширади. Прокурор аввал ана шу маҳкамага мурожаат қилиб, ҳисоблар музлатилишини сўраганди. Энди бу жиноят Швеция ҳудудида содир этилган бўлиши мумкинлиги қарор қилинган экан, маҳаллий ҳакам бу иш борасида қарор чиқариши керак бўлади. Яъни айнан маҳаллий ҳакам қандайдир ҳисобни музлатиш ё музлатмаслик борасида қарор чиқариши кутилади.

Би-би-си: Бу маҳкама иши Швеция учун, швед бизнеси ва Телиасонера учун нимани аниқлатади?

Лорин: Бу жуда муҳофазали масала, чунки, сизга маълумки, Телиасонера ҳиссаларининг аксари швед ҳукуматига тегишли. Телиасонера Каримов режимига яқин одамларнинг ҳисобларига бир неча миллионлаб доллар пул тўлаб, бу каби йирик мижарога ботиб қолган.

Би-би-си: Яқинда Телиасонерага тегишли Қоском ширкати директорининг Ўзбекистон алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация қўмитаси раисига йўллаган мактуби юзага чиқди, унда Қоском ширкати директори қўмита раисидан зудлик билан лицензиялар ва тўлқинлар борасида қонуний амал қилгани ҳақида баёнот чиқаришни сўраган. Бу каби ўзаро музокаралар Ўзбекистон ва Те-

лиасонера ўртасида яширинча музокаралар кетаётганини аниқлатадими?

Лорин: Ҳа, биз улар сирли музокараларни 2007 йилдан бери олиб боришганларини хабар қилдик. Телиасонера ўшанда Ўзбекистондан лицензияларни сотиб олишга уринаётган бўлган. Унда Телиасонеранинг вакиллари тўғридан тўғри Гулнора Каримованинг вакиллари билан музокаралар қилаётган бўлишган.

Би-би-си: Охири қарор бўйича Телиасонера бирор муносабат билдирдими? Шу пайтгача у анча камгап кўринаяпти.

Лорин: Қарор ҳозиргина чиққани учун ҳали Телиасонерадан бирор муносабат олганимиз йўқ. Билмадим, Телиасонера ўз ширкати ичида ички тергов очганини айтган. Энди ўша ички тергов тугамагунча, бирор шарҳ беришни истамаймиз дейишяпти.

Би-би-си: Сиз бу ишни тергов қилган ва бошлаб берган журналист сифатида маҳкаманинг янги қарорини ўзинингиз учун ғалаба деб кўрасизми?

Лорин: Бу иш маҳкамагача чиққани жуда-жуда муҳим деб билман, прокурорлар ва Швеция полицияси энди терговни олиб боришлари учун имконият туғилади ва бу олдинга қўйилган катта қадам.

bbc.co.uk/uzbek



Остонада бир йилдан бери меҳнат ҳақини ололмаётган ўзбекистонлик муҳожирларнинг иши билан нодавлат ташкилотлари қизиқа бошлаган.

“Мигрантларга ёрдам бериш маркизи” меҳнат муҳожирига кийим-бош олиб келган ва иш берувчи билан мулоқотни бошлаган.

Наманганлик Абдуғани Зоиров (исми ўзгартирилган) ҳолидан Остонадаги мигрантларга кўмак кўрсатиш маркизи хабар олган. 56 ёшли Абдуғани ака бир йилдан бери маошини ололмай, Остонадаги қурилишларнинг бирига ўрнатилган контейнерда яшаб келаётган эди. Касби ҳайдовчи бўлган бу ва яна ўзбекистонлик Оллоёр Султонбоев 4 мингдан 9 минг долларгача бўлган иш ҳақини ололмаган.

ҚОЗОҒИСТОНГА БОРГАН ЎЗБЕКЛАР ОРАСИДА ҚУЛЛИККА ТУШИШ ҲОЛЛАРИ КЕНГ ТАРҚАЛГАН

“Ҳақиқатан ҳам менинг ботинкам тешик. Оёғимни уларга кўрсатдим. Дўконга чиқиб келгунимча ўзига намни тортиб олади. Мана бу ерда қуришиб оламан. Иккита светир, битта жемфир, битта яхши чиройли туфли олиб келишибди. Сизга руҳшунос ҳам керак бўлиб қолибди, дейишди. Мен керак эмас, ўзимни ўзим тинчлантира оламан”, – дейди Абдуғани Зоиров.

Мигрантларга кўмак кўрсатиш маркизи, Абдуғани акани бошқа жойга чиқариш таклифини ҳам айтган, аммо у киши бундан бош тортган.

Таҳдидлар

Меҳнат муҳожирини бошқа ташкилотлардан ёрдам сўрашни бошлаши билан, иш берувчи унга турли йўллар билан таҳдид қила бошлаган.

Мигрантларга кўрадан кўрсатиш маркизи ҳуқуқшуноси Алтинбек Бейсеннинг Би-би-сига айтишича, айни дамда иш берувчи билан музокара давом этмоқда.

Ободонлаштириш фирмасининг бошлиғи меҳнат муҳожирларига ўз вақтида пулини берганини даъво қилмоқда.

“Иш берувчининг айтишича, Зоиров ишламаган ва ётган. Бу ерда ишлатиб қўймаслиги учун, унинг номига

Ўзбекистонга 1700 доллар юбордик, деб айтаяпти”, – дейди Алтинбек Бейсен.

Абдуғани акага кўра, иш берувчи унга 4 минг доллар бериши керак. Ва бир оз пулни Абдуғани аканинг ўғли номига юборишдан бош тортган. У Ўзбекистонга етиб боргунча, иш берувчи ушбу пулларни қайтариб олиб қўйишидан чўчимокда.

Иш берувчи билан боғланишнинг имкони бўлмади, аммо ҳуқуқшунос билан гаплашганда иш берувчи яна бир меҳнат муҳожирини Оллоёр Султонбоевга ҳамма маоши вақтида берилганини даъво қилган.

Мигрантларга кўмак бериш маркизи, иш берувчи меҳнат муҳожирларини рози қилмаган тақдирда уларни ноқонуний равишда ишга жалб қилган, дея прокуратурага ариза топширишини билдирди. Бундай ҳолатда иш берувчи катта жаримага тортилиши мумкин.

Муҳожирликнинг аччиқ нони

Абдуғани ака 2012 йилнинг январ ойида қурилиш машинасини ҳайдаш учун Остонага ишга келади. Бу вақтда иш берувчи уни турли машина бошқаришдан тортиб, сувчи қилиб ҳам ишлатади, аммо маош бермайди.

(Давоми кейинги саҳифада)

ҚОЗОҒИСТОНГА БОРГАН ЎЗБЕКЛАР ОРАСИДА ҚУЛЛИККА ТУШИШ ҲОЛЛАРИ КЕНГ ТАРҚАЛГАН

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Келган вақти Абдугани акага мошина хайдагани учун 100 минг танга ёки 660 доллар ойлик маош беришни ваъда қилишган. Иш берувчи меҳнат муҳожирнинг паспортини ҳам олиб қўйган. Абдугани акани Остонага ангреник таниши 65 ёшли Оллоёр Султонбоев бошлаб келган.

Оллоёр ака Остонадаги ободонлаштириш билан шуғуланидиган хусусий фирмада икки йил ишлаб яхшигина фойда топган. Ойига минг доллардан маош олиб, булдозер сурган. “Ангрена бундай маош берадиган иш йўқ. Бу ерда минг доллар олган бўлсам, Ангрена ҳеч ким бунча бермайди.

Конда ишлаганимда 300-400 минг сўм олардик, уни ҳам берса”, – дейди Оллоёр оға.

Ўзининг сўзларига қўра, Оллоёр ака 1 йил давомида бир кун ҳам ишсиз ўтирмаган, корхона раҳбарининг топшириғи билан бошқа корхонанинг ишини қилган ва ҳисобга миллион-миллион пул туширган.

“Ойига 1,5 миллион танга пул ўтказиб турдим. Туркларда 9 ой ишлаган бўлсам, 12 миллионга тангага яқин пул ўтказдим. Аммо менга пул беришмади, пул тўғрисида гап ҳам бўлгани йўқ”, – дейди Оллоёр оға. Иш берувчининг қўлида 40 дан ортиқ одам ишлайди, аммо бирортаси билан ҳам

меҳнат шартномаси тузилмаган. Оллоёр Султонбоев иш берувчи ундан 9 минг доллар қарздор эканлигини айтади.

Қузатувчилар Қозоғистонда меҳнат муҳожирлари билан боғлиқ муаммо бот-бот учраб туришини айтишди.

Уларга қўра, Қозоғистон ҳукумати муҳожирларнинг муаммосига жиддий эътибор қаратмайди.

Қозоғистонга ҳар йили юз минглаб ўзбеклар мавсумий ишлар учун боришади. Уларнинг асосан иншоотларда меҳнат қилишлари айтилади.

Қозоғистонга бораётган ўзбек фуқаролари орасида қулликка тушиш ҳоллари кенг тарқалган.

Ўзбекистонлик муҳожирлар қозок иш берувчилари, шунингдек, милициясининг ноқонуний хатти-ҳаракатларидан шикоят қиладилар.

bbc.co.uk/uzbek

2013 йилнинг 1 январидан Россия Федерал миграция хизмати расмий ҳужжатлардаги суратларга ҳижобда ва дўппида тушишга руҳсат берди. Бундан аввал Россия паспортда ҳижоб ёки бошқа бош кийими билан фотосуратга тушишга руҳсат йўқ эди.

Россияга меҳнат қилгани келаётган муслималарга ҳужжатлардаги фотосуратларда ҳижобда ёки бошқа бош кийимда тушишга руҳсат берилди.

“Ўзларининг диний эътиқодлари туфайли бошқалар олдида бош кийимсиз пайдо бўлишга ижозат берилмаган одамларнинг юз овалани яширмайдиган бош кийимда фотосуратга тушиш руҳсат этилади. Энгакнинг бир қисмини тусаётган устки кийим, шарфларда фотосуратга тушиш тақиқланади.

Доимо кўзойнакда юрадиган фуқаролар албатта қорайтирилмаган кўзойнакларда фотосуратга тушишлари керак”, дейилади ФМС томонидан тарқатилган буйруқда.

Киртилган ўзгаришлар турли диний эътиқод намоёндаларига тааллуқли, дейилади Россия Федерал миграция хизмати директори Константин Ромодановский томонидан имзоланган ҳужжатда. Бу ҳужжатда, шунингдек, ишга руҳсатнома ёки патент олиш ҳамда бармоқ излари топшириш – дактилоскопиядан ўтиш тартиб-қоидалари белгиланган. - Шу тариқа миграция ҳужжатларига қўйилаётган талаблар Россия паспортларига қўйилаётган талабларга мос келтирилди, деди Озодликка Миграция хизмати расмийси Залина Корнилова. Ҳижобда расмий ҳужжатларга расмга тушиш масаласи 10 йилдан буён муҳокама этилаётган эди. 2003 йилда Россия Олий суди Ички ишлар бошқармасининг бош кийимда суратга тушиш тақиқини ноқонуний деб топди. ФМС раҳбарининг хориж фуқароларини фотосуратга тушиши ва дактилоско-

пия қоидаларини белгиловчи тегишли буйруғи 2012 йилнинг 25 декабрида Россия Адлия вазирлигида қайдга олинди ва шу йилнинг 1 январидан қонуний кучга кирди.

2010 йилнинг ноябрида Россия муфтияти ходимаси Камилла Капустинская

қилган бўлса, – дейди Озодлик билан суҳбатлашган андижонлик Феруза. Россия шаҳарларидан бирида меҳнат қилаётган 40 ёшли бухоролик Абдугани Россия ҳукуматининг бундай қарорини “инсон озодлигига” ва “демократияга қўйилган катта қадам”, деб баҳолади.

- Мени фикримча, Худодан қўрққани сабабли ўзини авратини кўрсатмаслиги

истагига мана шунақа имкониятнинг берилиши жуда муҳим деб тушунаман. Юзи кўринса бўлдида “Юзнинг овалани кийим ёпмаса бўлди”, дейилганку ўша қонунда. Жуда яхши имконият бўлибди. Истаган киши рўмол ҳам тутиши мумкин. Ҳижобга тақиқ бўлса ҳам, рўмолга тақиқ остида эмас эди. Ўзингиз тушунасиз – ҳижоб кийган Ўзбекистонда радикал ҳисобланади. Шунинг учун дин, диёнатнинг минимал талабларини бажарамиз.

РОССИЯДА РАСМИЙ ҲУЖЖАТГА ҲИЖОБДА СУРАТГА ТУШИШГА РУҲСАТ БЕРИЛДИ



мамлакат тарихида биринчи бўлиб хорижга чиқиш паспортига ҳижобда фотосуратга тушди. Москвада меҳнат қилаётган 44 ёшли ўзбекистонлик муҳожир аёл Феруза миграция ҳужжатларига ҳижобда суратга тушишга тақиқ қўйилган пайтда бошдан кечирган қийинчиликлари ҳақида гапирди.

- Мана бу ООнда менинг справкам бор, шунга ҳижобда расмимни олиб борсам, улар қабул қилмаяпти. “Бош кийимсиз фото олиб келинг”, дейди. ФМСга ҳам биз қочқинлик мақомини беришга заявление ёзганимизда “Расминг ҳижобда бўлиши керак эмас!”, деб туриб документларимини қайтариб берган. Бошқа расм топширганман. Чунки бу мен учун жуда муҳим-да! Мен паспорт олсам, гражданство олсам ҳижобда тушган расмимни топширгим келади. Лекин ман қилингани учун ҳеч қандай документ қилмасдан юрибман ҳозир. Патент олдим яқинда – унга ҳам эски расмимни топширдим. Яхши бўлибди буни бекор

Ўз ҳокимиятимиз билан конфликтга боришга ҳаракат қилмаймиз. Буни мен озодликка қўйилган муҳим бир кадам, деб биламан, чунки ҳар бир инсоннинг ҳақ-ҳуқуқи бор: истаса бошига рўмол ўрайди, истаса ечади. Албатта, бу демократияга қўйилган катта кадам, дейди ўзбекистонлик Абдугани.

Айни пайтда, Россиянинг айрим минтакаларида муслималарга ҳижоб кийиб давлат идораларида пайдо бўлиши тақиқи олиб ташланмаган. Хусусан, ўтган йилнинг ноябр ойида Ставрополье ўлкаси раҳбарияти мактабларда ҳижобда, бели туширилган жинсин шимларда ва ҳаддан ташқари рангбаранг кийимларда пайдо бўлишни тақиқ остига олди.

2012 йилнинг 20 декабрида берган катта матбуот анжуманида Россия Президенти Владимир Путин ҳам ҳижоб масаласига оид ўз фикрини билдирди. Журналистлар берган саволга у мактабларда ҳижоб кийилишига қарши эканлигини айтди.

ozodlik



Ўз халқининг тили, миллий ғурури, бахт-саодати ҳақида қайғурмаган. Масалан, В. Путин рус тилининг мавқеини мустаҳкамлаш учун талаблар қўяётган, тил ўрганувчи муҳожирлар учун шароитлар яратиш, керак бўлса моддий ёрдам кўрсатиш ҳақида гапирётган бир пайтда, бизнинг Диктаторимиз рус тили аралашмаларидан холи бўлмайётган ўзбек тили зиммасига инглиз тилини ўрганиш мажбуриятини ҳам юкламоқда. Бу қандай фавқулодда жонбозлик бўлди? Диктаторнинг навбатдаги ушбу ташаббуси остида

қийинлиги сезилмаган араб имлосининг ноқулайлик томонлари “исботланиб” лотин имлоси таклиф қилинишига эришилди.

Шундай қилиб, Марказий Осиё, Туркистон халқларининг кейинги минг йилликда ўз ёзувларидан илк маротаба айрилиш саясати Қизил империяга мосланган ЎзСЭда (қискартириб олинмоқда) шундай таърифланади: “... Имло ёзув билан боғлиқ. Ўзбек ёзуви араб графикаси(дан) 1930 йилда лотин графикаси, 1940 йилда рус графикаси асосидаги янги алифбога кўчирилиши

ДИКТАТОРНИНГ “ФАВҚУЛОДДА МУҲАББАТИ”

Ўзбекистонда инглиз тилини ўрганиш ташаббусини диктаторнинг расмий қароридан анча олдин, империядан мерос услубга кўра, ҳукумат амрининг халқ номидан “фидоийлари” аллақачон бошлаб юборишганди, деди масъул ташкилотлардан бирида хизмат қилувчи ЎХХ мухлиси. Инглиз тилининг “аҳамиятини” ҳисобга олган баъзи Давлат ташкилотлари, йирик компаниялар ўз ходимларининг тил ва компьютерни малакали ўрганишлари учун маблағ ажратган, ўқитувчилар ёлланган. Раҳбарлар ўз ходимларига келажакда инглиз тилини билган кишиларгина иш ўринларини сақлаб қолишлари мумкинлигини маълум қилганлар.

Диктаторнинг инглиз тилига бўлган “фавқулодда муҳаббати” тилимиз бошига тушажак янгича йўқотишлардан дарак бермоқда. Иш ўрнини сақлаб қолиш чет тилига боғлиқ бўлган мамлакатда миллат ўз қадрини, Давлат тили ўз аҳамиятини йўқотади. Ўтган асрнинг 30 йилларидан бошланган “имло ўзгартириш касаллиги”, 80 йил ичида ёзувимизнинг уч маротаба ўзгариши туфайли халқимиз маданий-маърифий, илмий-диний билимлардан маҳрум бўлганди. Бугун инглиз тилини ёппасига ўрганишга қаратилаётган сиёсат диктаторнинг “кексалик инжиклиги”дан бошқа нарса эмас, деди мухлис.

Кутилмаган бу янгилик чорак асрдан бери Давлат тилига мослашолмаётган халқни тамом хайрон қолдирди. Ҳали ҳам юртимизда отдан тушса-да, узангидан тушмаётган русийзабонлик ўрнини инглиззабонлик эгаллаши ўзбек халқига қандай бахт-саодат ато этади? Қосмосга учирадимиз, Ойга чиқарадимиз? Ўзбекистонимизда ҳаётнинг барча соҳаларини муаммолар домига тортган бир замонда инглиз тилини глобал масалага айланиши ақллар қандай қабул қилмоқда? Бундай саволларга ўз миллий тилини қайғурган ҳар бил ўзбекнинг бошини қотириши, дилини огритиши турган гап.

Тил билиш яхши, лекин ўзга бир миллат тилини бошқа бир халққа мажбуран сингдириш зўравонликдир. Бизнингча, Диктаторимиз ҳеч қачон бошқа давлатларнинг раҳбарлари каби

нечоғлиқ маккорона режа, хиёнат яширинган экан?

Келажакни “ўйловчи” Диктаторимиз иккинчи она тилимизга “айланган” рус тили ўрнига инглиз тилини мўлжаллаётгани ҳақиқат. Ҳар ҳолда Давлатни қизи ва невараларига топширишга эришолса, ворисларга бир кучли суянчиқ, дўст керак бўлади, нега деганда энди ўрислардан фойда йўқ. Ўзи қетдимиз, эрта-индин тили ҳам кетади. Ўрнига истаса истамаса кучлироқ яна биттаси келади. Бу албатта Америка. Инглиз тили шунчаки тил эмас, қизи, неваралари яхши кўрадиган тил, ўзи ўрганолмай армонда қолган тил. Демак, ўзбекларга бир оғиз буйруқ берса—“тил ўрганилсин!” деса бас, ўзбекларнинг вазифаси буйруққа бўйсуниб, деб ўйлайди бу зolim... Агар ҳақиқатан ҳам шундай бўлса, ўзбеклар инглизлашишга рози бўладиларми? Келинг, тилимизга бўлган ҳужумларни ибрат учун бирга эслайлик...

Тилга давомли зарбалар

Собиқ империя даврида ислом эътиқодли халқларнинг на фақат динлари, тиллари ҳам шу даража қаттиқ таъйиқ остига олингандики, унинг асорати ҳали ҳам давом этмоқда. Биз рус, грузин, арман ва бошқа халқлар каби минг йилликва ундан ҳам ортик (ҳатто миллоддан олдин ҳам) миллий ёзувимиз, имломизга эга эдик. Худосиз сиёсат учун туркий халқларни Куръон тили бўлган араб имлосидан айириш Куръондан айиришнинг асосий шартларидан бири эди. Етакчилари, олимлари ўлдирилган, жасорати синдирилган оч-яланғоч омма империя сиёсатига ишонди ва тан олиш керакки, ўз даврида уни қўллаб-қувватлади ҳам. Афғор оммага бу дунё жаннатини ваъда қилган Қизил империя инқилобдан кейин бирдангина араб имлосига ҳужум қилмади, 10-12 йил араб ёзувига сабр қилиб, шайтоний ваъдалар билан халқнинг “этини ўлдириб” борди. 1930 йилда эса ҳали кадрдон имлодан тамом узилиб улгурмаган ўзбек ёзуви рус имлосини тикиштиришдан “андиша” қилган империя ўзбеклар ичидан лотин имлоси ташаббускорларини тайёрлади. Неча юз йиллар давомида

билан Имло ҳам ўзгарди. ... Ҳозирги ўзбек адабий тилининг имлоси ЎзССР Олий Совети томонидан 1956 й. 4 апрелда тасдиқланган ва май ойдан қўллана бошлаган “Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари”га амал қилади.” (Ад.: “Записки ин-та востоковедения АН СССР. 1937. №6;.) Кўриниб турибдики, 1925-27 йилларда бошланган ўзбек ёзувига қарши кураш 1956 йилда якунига етган.

Энди Диктатор ҳукмронлигига бўйинсунган ЎзМЭда Имлога берилган таърифни кўрайлик. (Қискартириб олинмапти), “... Имло қоидалари вазиятга кўра ўзгариб туради. Кирилл ёзувидаги ўзбек адабий тилининг И. қоидалари 1940 йилдан шакллана бошлаган бўлса, 1956 й.да мукамал қоидалар тўплами қабул қилинган. ... Ўзбек тилининг лотин графикаси асосидаги (1995 й.да қабул қилинган) алифбоси бўйича асосий имло қоидалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 й. 24 авг. Қарори билан қабул қилинган. (Ад.: Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари, Т., 1956; O'zbek tilining imlo lug'ati, T., 1995.)

Юқориди ҳар икки Энциклопедия изоҳларига эътибор қилинса, тил, имло ҳақидаги илм ва уни имзолаган олимлар ҳам хиёнаткор сиёсатга хизмат қилган ва қилаётганини, бутун бошли бир миллатнинг тили ўйинчоққа айланганини англаш қийин эмас. ЎзМЭ даги мана бу изоҳга эътибор берайлик: “Кирилл ёзувидаги ўзбек адабий тилининг И. қоидалари 1940 йилдан шакллана бошлаган бўлса, 1956 й.да мукамал қоидалар тўплами қабул қилинган.”— кўчирма тугади. “Мукамал қоидалар тўплами” қабул қилинган экан, нега энди ордан 55 йил ўтиб, 40- йилларда ярокисиз ҳисобланган лотин имлосига қайтиш зарур бўлиб қолди? Мақсад нима, бу ақлданми ё аҳмоқликми? Йўқ, бу кўрабила туриб миллатни саводсизлик чоҳига итаришдир. Ва бу ишни Диктатор Қаримов шараф билан давом этмоқда.

23 йилки, Диктатор ўз агрофига йиғиб олгани, ўл деса ўлиб, қол деса қоладиган мансабпараст “миллий авторитетлар”и билан ўзбек халқининг миллий маданияти, диний эътиқодига қарши курашда давом этади.

(Давоми кейинги саҳифада)

ДИКТАТОРНИНГ “ФАВҚУЛОДДА МУҲАББАТИ”

(Давоми: Бициш олдинги саҳифада)

Золимнинг “ислохотлари” ўзи ва кизининг ноғорасига ўйнашда устозларини ортда қолдираётган ҳавойи ёшлар жамоаси, санъатни миниб олган гала отарчилар, гўзалликни фахш ва наҳсга дўндирган раққосалар, орийатсиз эркаклар, енгилтабиат аёллар қиёфасида ўз меваларини бермоқда. Парокандаликка юз тутган меҳнаткаш ўзбек халқи ва кундан кунга кашшоқлашаётган ҳақиқий аҳли илм ва ватанда беватан зиёлилар турмуш тарзи жоҳил диктатор ва унинг кизини заррача кизиктирмайди.

Диктаторнинг навбатдаги найранги

Шундай қилиб ўзбеклар ўзининг яқин 80 йиллик тарихида 10 йил араб имлоси, 10 йил лотин имлоси ва 50 йил рус имлосида савод чиқариб, “маданиятимиз янгича шаклланган” бир пайтда, Диктаторнинг “ақлли боши”ни қандайдир ғоялар безовта қила бошлади. Гўё ўрисга нафратини изхор қилиш, Ер қуррасининг нариги томонидагиларга ёқиш, ҳаммадан ҳам ўзбек халқини қайта тикланаётган миллий-диний, тарихий кадриятлар таъсиридан “асраш”нинг бирдан бир йўлини лотин имлосига ўтишда кўрди. Хукумат диктаторнинг ташаббусини ўйлаб ҳам ўтирмай маъқуллади. “Ўзбек тилининг лотин графикаси асосидаги (1995 й.да қабул қилинган) алифбоси бўйича асосий имло қоидалари” ҳақида Хукумат Қарори қабул қилинди...

Одамлар араб имлосида ёзилган минг йиллик диний-маърифий, илмий асарлар ёнидан жой олиши мумкин бўлган кирилл ёзувидаги бутун бошли кутубхоналар, диссертациялар, илмий дарсликлар, аждоқларини унутишга маҳкум авлодлар ҳақида ҳам қайғурардилар. Бу “оламшумул ўзгариш” ўзбек миллатига нима берди? Фақат орқага кетиш, тарихдан узилиш, авлодлар орасига бўшлиқ, раҳна солиш, саводсизликдан бошқа нима берди?

Мана, 18 йилки, жамият иккига бўлинган. Икки хил ёзув, икки хил имло қоидаларига кўра саводхонлигимиз нечоғлик натижалар бераётганига ҳар биримиз гувоҳимиз. Боғчадан тортиб, маҳалла-қўй, мактаб ва олий таълим, юқори ташкилотлар ёзишмаларидаги имло ва жумла хатолар айб бўлмай қолди. “Ёшлар” каналининг лотинда, “Ўзбекистон” каналининг кириллда фаолият олиб бориши гўё икки мамлакат, икки олам каби ҳеч қимни ажаблантирмай қўйди. Кўчалардаги шиорлар, рекламалар, телеэкрандаги ўзбекча ёзувлар, номи лотинча ўзи кириллча газета ва журналлар, бадий ва илмий адабиётлар, ёзув тури борки, хатолари бисёр.

Саводхонлигимиз даражасини белгиловчи маънавий савиямиз— ҳаёт тарзимиз, енгил-елпи қўшиқларимиз, бақир-чақир тўйлар-у, сериалларимиз, душман (рахбар, амалдор) олдида қўйдек юввошлигимизу, ўзаро ноаҳллимиз, дунё бўйлаб сочилиб-ит ётиш, мирза туриш яшашимиз, муомала маданиятимиздан маълум. Китоб ўқишга эринган, эътироз қилмоқчи киши сотқадаги ёзишмалари, компьютердаги мақолалар, изоҳлар, нутқ маданиятимизни кузатиб, хулоса чиқариши мумкин.

Ворисларига қулай бўлсин деб

Айни кунда ҳар кимнинг имло ва ёзувга қизиқишига қараб, жамиятнинг уч гуруҳ ёки уч жамоа ажратиш мумкин: араб имлоси жамоаси— ўрта ва катта ёшдаги зиёлилар, араб имлоси ва эътикод илмини мустақил ўрганувчи ёшлар; кирилл имлоси жамоаси— ҳар хил олди-қочди, севги ва адашиш қиссалари, кўнгил очар йўналишдаги нашрлар мухлислари— турли ёш ва савиядаги хотин-қизлар, кекса ёшли кишилар; лотин имлоси жамоаси— адабиёт ўқиш имкони чекланган, қўл телефонлари ва интернет олди-қочдиларига боғланиб қолган 10 ёшдан 30 ёшгача бўлган авлод.

Уй-фиқрлари, дунёқарашлари бўлиб ташланган, боши бирикмайдиган, умумманфаатини ҳис қилмайдиган, маҳаллийчилиликка берилган, оломонга айланган халқ қулликка маҳкумлиги бизга яқин тарихимиздан яхши маълум. Диктатор ўз зулми ва нафрати билан ўзбек халқини ўзи билан ўзи оввора оломонларга айлантира олди. Масалан, ўтган асрнинг 80-90 йилларида ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиб, ҳукуматга ҳақ сўзини етказишни жиҳод деб тушунган халқимиз бугун, урганинг ун оши сўкканинг сўк оши, қабилида бошини дорга тутар ҳолатга келтирилгани ҳам ҳақиқат-ку.

Хуллас, Диктаторнинг инглиз тилини танлашдан мақсади “келажакимиз бўлган ёшлар”ни илдиэларидан буткул узиб олиб, ўзидан кейин давлатни бошқаражак қизи ва невараларининг қулларига айлантиришдир. Айни кунларда мақсад сари тайёргарлик кенг кўламда олиб борилмоқда. Ўзбек телеканаллари халқни ислом дини, диний экстеримизм билан кўрқитишга, христиан руҳи сингдирилган ғарб ҳаётига доир кинолари билан мафтун этиш, исломга нисбатан нафрат, ғарбга нисбатан муҳаббат уйғотишга хизмат қилмоқда. Ислом эътиқоди йўналишида бирор кино кўрсатмайдиган Ўзтелевидение йил ўн икки ой давомида черков ҳаёти, христиан тарихи, монахлар ҳаёти, Рождество байрамлари ва бошқа халқлар эътиқодларини очиб берувчи

илмий, бадий, фантастик кино ва сериаллардан ортмайди. Ўзбек киноларининг мазмуни эса ўта зерикарли ва жонга теккан оилавий можоралар, суврати бору, сийрати ўлган олий таълим, ўйинқароқ талабалар дунёси, тўй-марака, қайнана-келин... мавзуларидан иборат.

Шундай экан, ОАВ ва Теледастурларининг ғайри миллий, ғарб маданияти тарғиботига мослаштирилганини кўрмаслик кўрлик, эшитмаслик карлик, тушунмаслик манкуртликдан бошқа нарса эмас. Ахволимизни таҳлил қилган баъзи миллатимиз душманлари ёшлар Гулнора томонида, деб диктаторни ва ўзини ишонтирмоқда.

Яна бир бор эслайлик: Диктатор бутун фаолияти давомида ўзбек тилини давлат мақомига олиб чиқмаслик учун курашди ва шунга эришди ҳам. Айни кунда ҳам ўрис тилини яхши билмаган кишилар маъсул лавозимларга ишга олинмайди. Чорак асрки, олди-берди, тўлов, муомала муносабатлари рус тилида қайд этилади. Ўзини ва тилини биз каби кадрсизлаган бирор миллат йўқдир собиқ иттифокда ва ер юзида. Буларнинг барчаси миллат душмани Ислом Каримов сиёсатининг маҳсулидир. Кўриниб турибдики, на Диктаторга, на унинг қизига ишониш асло мумкин эмас. Эй фарзандлар, азиз ёшлар, бегона тилни ўрганиш ихтиёрий, ўз тилини билиш ва асраш эса мажбурийдир. Диктаторнинг ўзбекилиги рост бўлганида, у аввало барча ўзбекистонликларга Давлат тилини ўрганиш ва уни муҳофаза қилиш бурчи ва талаби билан чиққан бўларди.

Мамлакатимизда инсонлар хоҳлаган тилини репититор орқали ўрганиши мумкин бўлгани ҳолда, диний эътиқодимиз имлоси араб ёзуви ва тилини ўрганмоқчи бўлган тенгдошларингиз тухматлар билан айбланиб қамокларда, кийноқларда азоб чекаётгани диктатор миллатимизнинг ашаддий душмани эканига кифоядир.

Азиз ёшлар, миллатлараро, халқаро, дипломатик муносабатлар воситаларидан бири саналган инглиз тилини лавозими ва хизмати тақозо қилувчиларгина билишга мажбурдирлар. Аммо уни мамлакатда ёппасига ўрганишга мажбурлаш, она тилимизнинг аста-секинлик билан истеъмолдан суриб чиқарилишига йўл қўйиш кеңирилмас жиноятдир.

Токи миллат ва мамлакат эканмиз, ўз Давлат тилимиз, Эътиқодимиз, Байроғимиз, Гербимиз, Давлат Мадҳиямиз, миллий валютамиз... бошқалар назарида арзимас бўлиши мумкин, аммо у бизнинг фаҳримиз, ор-номусимиздир! Шундай экан, ор-номусни фақат ор-номус асрашини унутмайлик.

Абдиқодир КАРИМ.

ТУРК ДУНЁСИ БИРЛИГИ ФИКРИ ЯШАМОҒИ КЕРАК

«Туркия» газетаси, Оврупо наشري «Франция Турк Федератсионинг»нинг Буюк Қурултойи, гуё Турк давлатлари лидерлари мажлисига айланди. Қурултойга Туркия Миллиятчи ҳаракат Партиясининг лидери Давлат Боғчали, Қрим Туркларининг лидери Мустафа Жамилўгли, Ўзбекистон Эрк Партияси лидери Муҳаммад Солиҳ,

«ЭРК» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ 5-ҚУРУЛТОЙИ.

«Эрк» демократик партиясининг 22 октябр куни бўлиб ўтган 5-қурултойи муносабати билан шу кунги эшиттиришларимизда ҳавога узатилган суҳбат матни.

Бошловчи: 22 октябр куни Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти маданият саройида «Эрк» демократик партиясининг 5-қурултойи

«ЭРК» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ 5-ҚУРУЛТОЙИ.

Туркиянинг Страсбург Бош Консули Энгин Юрур, МХП лидери уринбосарлари Метин Чобанўғлу, Меҳмет Экижи, Атилла Қоя, партия Бошқарув аъзолари Суод Башаран, Туркман Онур, Меҳмет Талак ва Франция Туркманлар Жамияти раиси Ниҳот Боётли, Дунё Озарбойжонлари Конгресси раис ўринбосареи Амир Хошимий Абдуллаҳ, Оврупо Ироқ Туркманлари Жамияти раиси Баховиддин Кавсар ва иш одамлари қатнашди.

Қурултойда 10 минг киши иштирок этди. Қурултойда нутқ этган Ўзбекистон сиёсатининг буюк исми Муҳаммад Солиҳ жумладан шундай деди: «Туркияда баъзи кишиларда демократ кўринмак каби бир дард бор. Демократ кўриниб, миллий кимликдан узоқлашмоқ истганлар бор».

Турк давлатларининг ўртоқ ишбирлигини ҳам тилга келтирган Муҳаммад Солиҳ: «Камина Туркияга илк келганимда Турк бирлиги ҳақида сиёсатчилар жиддий жиддий мунақошо қилардилар ва бу мавзу давлатнинг ҳар мақомида тилга келтирилар эди. Энди эса бу хусусда гаплашмоқ жиддий сизлик ҳисобланадиган бўлди, яна давлатнинг ҳар мақомида шундай бўлди...»

Бугун Турк Интегратсёни ғояси худди Совуқ уруш давридаги каби бир чуқурга кўмилгандир. Ва бу ғоянинг бу чуқурдан чиқарилишига инонганлар сони кун сайин озаймоқтадир», деди.

«Турк миллиятчилари Оврупо муҳаббати билан ёниб тутаётган жамиятнинг қоқ ўртасида гарангсиган бир озчиликка айланди гуё», деди яна Муҳаммад Солиҳ.

«Бу даъвони Алпарслон Туркаш тобулликларда қандай асраган бўлса, сиз ҳам шундай асрашингиз лозим. Кун келажак, бу даъво тарафдорларининг нақадар узоқ кўришли эканини эътироф этажлардир, иншоллоҳ», дея залдагиларга хитоб қилди у.

(26. 05.2004



бўлиб ўтди. Маълумки, партиянинг 4-қурултойи бундан ўн йил муқаддам бўлиб ўтганди. Маълумотга кўра, қурултой ўта зиддиятли бир аҳволда ўтган. Қурултой ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиш учун биз Тошкентдаги мухбиримиз Шайбонга боғландик.

Шайбон, ассалому алайкум.

Шайбон: Ваалайкум ассалом, Абдулла Искандар.

Бошловчи: Шайбон, демак «Эрк» партиясининг қурултойи ниҳоят бўлиб ўтди. Шундайми?

Шайбон: Республика кўзи ожизлар жамияти маданият саройида «Эрк» демократик партиясининг 5-қурултойи бўлиб ўтди. Чиндан ҳам мана шу сўнгги ўн кунлар - ўн беш кунлар давомида «Эрк» партияси фаолларига кўрсатилган баъзи бир таъқиблар, таъйиқлар, уларнинг ҳужжатлари, демак, қурултой ашёлари тортиб олинишига қарамасдан 22 октябр куни «Эрк» партиясининг 5-қурултойи бўлиб ўтди.

Бошловчи: Қурултойда қандай масалалар кўрилди?

Шайбон: Қурултой аввалида бешта масала кўрилиши кўзда тутилган эди. Лекин қурултойда ҳаммасини тўла кўриб чиқишнинг имкони бўлмади. Демак, «Эрк» партиясининг Марказий кенгаши 20 кишидан иборат аъзолар сайланди ва айтиб ўтилдики, бу Марказий кенгаш аъзолари сафи яна кенгайтирилиши мумкин. Яъни 20 киши

билан кифояланмайди. Тахминан 48-50 кишидан иборат бўлади. Ва айни пайтда, демак, партия раиси Муҳаммад Солиҳнинг қурултой иштирокчиларига юборган мактуби ўқиб эшиттирилиши керак эди. Лекин мактуб ўқиб эшиттирилмади. Бунинг сабаби ҳақида тўхталар экан, партия котиби Отаназар Орипов шундай деди: «(Отаназар Орипов овози) Азиз биродарлар, партия раҳбариятининг ҳисоботи сифатида бизга партия раисининг юборган нутқини биз тўрт юз нусхада кўпайтириб, сизларнинг қўлингизга тарқатишга ҳозирлаган эдик. Афсуски, бу нусхалар барчаси бизда ҳозир қўлимизда йўқ... тортиб олинди. Лекин ана шу маъруза матни сизлардан, бу ерда ўтирганлардан тўрт кишининг қўлида бор. Ўқиган, танишган ва у кўплаб инсонларга тарқатилди. Шунинг учун ҳам бу қисмини биз қўлимизда тарқатма материал бўлмагани учун бугун кун тартибига киритмасдан, бошқа фақатгина қурултой ваколатидагина бўлган материалларни ҳал қилиб олиш учун йиғилганмиз».

Шайбон: Бундан ташқари, демак, қурултойнинг ўша янги, қўшимчалар киритилган низоми ўқиб эшиттирилди. Бу низом ҳам, маълумки тингловчиларимизга, 13 октябр куни Собир Раҳимов туман ички ишлар бўлими ходимлари томонидан тортиб олинган. Шу боис, низомнинг фақат бир нусхаси бор эди қурултойда. Ва ана шу низом ҳақида қисқача тўхталишлар, тушунтиришлар бўлгандан кейин қурултой иштирокчилари уни асос сифатида қабул қилишга овоз беришди.

Бошловчи: Шайбон, бизгача етиб кетган маълумотларга кўра, қурултой зиддиятли ҳолда ўтибди. Сиз мана шу маълумотларга аниқлик киритиб ўтсангиз. Нима бўлди ўзи?

Шайбон: Ҳа, чиндан ҳам, Абдулла Искандар, қурултой зиддиятли ҳолда ўтди. Бундай ўтишига сабаб «Эрк» партиясининг бош котиблигига даъвогарлик қилаётган Самад Муродов ва унга ҳамфикрлар сўз берилишини талаб қилишди. Ва айни талаблар билан қурултой президиумига чиқиб олишди. Президиум билан қурултой иштирокчиларининг йўлида тирик девор ҳосил қилишди, бу ҳолат қурултой иштирокчиларининг кескин эътирозига сабаб бўлди (овозлар) Шу боис қурултой иштирокчиларининг аксарий қисми норозилик сифатида йиғилиш ўтаётган зални тарк этишди.

(Давоми кейинги саҳифада)

«ЭРК» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ 5-ҚУРУЛТОЙИ.

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Бошловчи: Демак, айни ҳолатлар ўлароқ қурултойнинг аксар иштирокчилари йиғилиш залини тарк этишган. Шу билан қурултой иши тўхтадимиз ёки бирор бошқа жойда давом этдимиз?

Шайбон: Демак, боя айтиб ўтганимдек, қурултойнинг аксар иштирокчилари йиғилиш залини тарк этишганидан сўнг Республика кўзи ожизлар жамияти маданият саройи раҳбари томонидан бошқа зал тавсия этилди. Ва зални тарк этганлар Отаназар Орипов, Дилором Исоқова, Абдуҳошим Ғафуров бошчилигида ана шу залга кўчиб ўтишди. Албатта, зал тарк этилди. Лекин қурултойни давом эттиришди, барча кун тартибдаги масалаларни муҳокама қилиб, якуний ҳолосага келишди ва қурултой охирида ҳамма туриб, қарсақ чақиб, қурултой ўтганлигини баралла тақдорлашиб, бир-бирини табриклашиб тарқалишди.

Бошловчи: Халқаро ташкилотлар вакиллари, элчихоналар вакиллари иштирок этдимиз?

Шайбон: Қурултойда мамлакатдаги фаолият олиб бораётган дипломатик корпуслар вакиллари бўлишди. Халқаро инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти аъзолари иштирок этишди. Жуда кўп сиёсатчилар, халқаро кузатувчилар иштирок этишди. Ва биласизми, уларнинг юзида ҳам мана бу узоқ йиллар давомида шундай бир интизорлик билан кутилган, «Эрк»чилар томонидан кутилган, қурултой бунақанги тўполонли ўтаётгани, у ерда тартибсизликлардан улар ҳам таажжубга тушганини яққол кўриш мумкин эди. Лекин шунга қарамай, дипломатик корпус вакиллари, шуни алоҳида таъкидламоқчиман, зални Самад Муродов гуруҳига қарши зални тарк этганлар билан баробар зални тарк этиб, кейинги залга кўчиб ўтишди. Ва қурултой сўнгида қурултой иштирокчиларини самимий табриклашди.

Бошловчи: Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти маданият саройида бўлиб ўтган «Эрк» демократик партиясининг 5-қурултойи ҳақида маълумотлар билан танишдингиз. Хўш, бу қурултой «Эрк» демократик партиясининг навбатдаги муваффақияти ёки шунчаки тадбирми? Биз бу саволни «Эрк» демократик партиясининг асосчиси, ҳозир Норвегияда истиқомат қилаётган Муҳаммад Солиҳга бердик. Муҳаммад Солиҳ: Бу партиянинг муваффақияти. Нега? Чунки

шунча тазйиқ-таъқибга қарамай, партия ўзининг йўли ва ўз принципларида давом этди ва буни яна бир марта бутун дунёга очиқ-ошкор кўрсатди. Яъни биз ғоямиздан – Ўзбекистонда демократик ҳуқуқ давлатини қуриш ғоямиздан ҳали ҳам воз кечганимиз йўқ. Бутун азоб-уқубатга, бутун изтиробга ва бутун тазйиқ-таъқибга қарамай.

Бошловчи: Мана шу бўлиб ўтган воқеага, яъни партиянинг ичида бўлинишга ўхшаган бир нарса содир бўпти, яъни Самад Муродов ва Бахтиёр Исабековлардан иборат гуруҳ партия қурултойи ўтказганлигини мана хабарларда айтиб ўтишди. Мана шу партиянинг ичидаги бўлаётган мана шу воқеага муносабат билдирсангиз.

Солиҳ: Муносабатим менинг аниқ. Зотан буни биз 1996 йилда партиянинг ичида муҳокама қилганмиз. 1996 йилда Самад Муродов бизнинг бош котибимиз сифатида партиядан, бош котибликдан узоқлаштирилган. Бунинг сабаби 95 йил июнь ойида бизни ҳукумат ўша давлат тўнтариши тайёрлади «Эрк» партияси деб пропаганда қилган пайтда 95 йил август ойида Самад Муродов Ўзбекистон телевидениесидан чиқиб, «мен «Эрк» партиядан чиқиб кечдим, Муҳаммад Солиҳнинг бунақа ишларга аралашганини билмас эдим», деган шаклда тавба қилган. Бу тавба ҳужжатли равишда бизнинг қўлимизда ва бу Ўзбекистон телевидениесининг ҳам архивида сақланаётган нарса. Яъни бу ҳужжат. Ўша пайтда биздан чиқиб кетган бу одам. Ва 96 йилда биз буни ҳужжатлаштирганмиз ва ўша пайтдан бери Самад Муродов бизнинг аъзосимиз эмас.

Бошловчи: Энди бугунги воқеага муносабат билдирсангиз. Мана шу қурултой ичида бўлиб ўтган зиддиятларга.

Солиҳ: Зиддият деб катта гапиришнинг кераги йўқ. Ўша ердан олган хабарларга қараганда, булар 20 та киши. Ва 20 та кишини ям булар ярим йил ичида зўрға тўплади бизга қарши муҳолифат шакллантириш учун. Бултур ўша Муродовнинг ўзи бизнинг партия котиби Отаназар акага айтган гапи шу: «Мен СНБ билан гаплашдим. Улар бизга ҳар қандай қулайликлар таъминлайди, агар биз уларнинг гапига кирсак, партиядан кўтариб қолишимиз мумкин», деган. Бизнинг котибимиз, ўша ерда ўтирган бошқа дўстларимиз ҳам рад қилган буни. Аммо биз

буни ўша пайтда очиқ айтганимиз йўқ. Ҳар ҳолда бу гапдан кейин уялишар ва бунақа ғайрияхлоқий таклифи билан бизга келмайди, деб ўйлагандик. Лекин кўрдингиз, улар ўша провокациясини ҳукумат билан бирга ишлаб, бугунга қадар ташидилар ва ўзлари мана охири оқибатда шарманда бўлдилар, буларнинг кимлиги бугун халққа аён бўлганидан мен хурсандман.

Бошловчи: Энди яна бир гап-сўзлар бор, яъни ўн йил ичида Муҳаммад Солиҳ яқка шаклда партияни бошқариб келди. Ва айни танқид қилинаётган ҳодиса, яъни Ўзбекистон ҳукуматини танқид қилаётган партия ҳам айни нима-ни такрорлапти, деган бир гап-сўзлар бор. Бунга нима дейсиз? Умуман, Ўзбекистон «Эрк» демократик партияси ички тизимлари демократикми?

Солиҳ: Ўн йил сургунда юрибман. Ўн йил партия тазйиқ ва таъқиблар остида яшади ва нормал фаолият кўрсатмадики, ундан нормал шароитдаги нарсаларни талаб қилиш учун. Бу умуман кулгили нарса. Муҳаммад Солиҳ ўн йилдан бери партия раҳбари, йўқ мен ўн йилдан бери сургунда юрибман. Ва сўнг тўрт йил ичида ҳеч нарса қила олгани йўқ. Чунки сал бошини кўтарган одамни дарров қамоққа ташладилар ва бу аҳволда қандай қилиб ўн йилдир раислик қилиб ўтирибсиз, дейиш мумкин.

Бошловчи: Муҳаммад Солиҳ, шу пайтгача ҳар доим муаммолар ҳақида гапирди. Аммо нима қилиш керак, деган саволга тайёр бир тавсияларни эшитмаяпмиз. Хўш, сиз мана партиянинг асосчиси сифатида нима қилиш керак, деган саволга қисқа жавоб бера оласизми?

Солиҳ: Қисқа жавоб бериш жуда қийин. Чунки қиладиган ишлар жуда кўп ва буни биз ўша партиянинг қурултойига тақдим қилинган программамида, дастуриமிழда жуда кенг ва деталли бир шаклда кўрсатдик нима қилиш кераклигини. У ерда муаммо кўйилади ва унинг ечими, шу шаклда биз бутун халққа тақдим қилдик. Бизнинг ниятимиз пок, мақсадимиз аниқ ва халқимизга хизмат қилишни истаймиз ва программамиз очиқ-ойдин, яширин жойимиз йўқ. Биз Ўзбекистонда демократик ҳуқуқ давлатни қуриш тарафдоримиз ва унинг қандай қурилиши очиқ айтаяпмиз, бундан кейин ҳам очиқ айтаемиз.

Бошловчи: Раҳмат.

АЁЛ КАСАЛЛИКЛАРИ

Хроник қонашларнинг давоси

Уч кунлик очликлар бошланади. Илк кунларида бел ва думғазадан қон олдирилганидан қонаш тўхтайти.

Рўзадан кейин ҳар эрталаб қонашни тўхтатадиган дорилардан бири ёки бир нечаси ишлатилади.

Кейин пешингача мавсумига қараб кизил лавлаги суви аралашмаси (“Простатит” бўлимига қаранг.), анор, олма, грейфрут ёки лимон сувиларидан бири сув билан аралаштирилиб ҳар мартасида 1 стакан 3-4 марта ичилади. Кейин эса янги анжир, хурмо, олма ёки бошқа мева ейилади. Кечга яқин таом ейиш мумкин. Чой сифатида газанда, арпабодиён, зиғир уруғи чойи ичилади ва 7 кун шундай қилинади.

Кейин яна бир марта 3 кунлик очлик тутилади. Очликнинг илк кунда кураклар ораси ва остидан қон олдирилади. Бу иккинчи 3 кунлик очликдан кейин 3 кун олма суви ичилади ва учинчи кун соат 19:00 дан кейин жигар тозаланиши қилинади. (“Жигар Тозаланиши, 3 кун” бўлимига қаранг.)

Кучи етган ёш аёллар бир ҳафта кейин, 7 кунлик ёки 10 кунлик очлик тутишлари керак. Буни қилолмаса, 7 марта 3 кунлик очлик тутишади. (“Очлик билан даволаш” бўлимига қаранг.)

Қонашни тўхтатадиган дорилар: 5 дона лимон қобиғи билан бўлиниб, 1 литр сувнинг ярми буғланиб кетгунича паст оловда қайнатилади ва сузилиб қултум-қултум ичилади.

илдизи, уруғи, барглари ва гуллари билан бирга ялпиз анор пўсти билан қайнатилади ва илик баня сувига аралаштирилади. Бу сувнинг ичида 30-50 дақиқа ўтирилади.

Ёки: Баргизуб суви сиқилиб сирка билан ёки ўзи ичилади. Айни пайтда жинсий лабларга эзилган баргизуб қўйилади. Янги майдаланган зиғир уруғи совук сув билан ютилса ҳам айни натижани беради.

Ярим литр олма сиркаси 1 қошиқ майдаланган долчин билан аралаштирилиб 10 дақиқа паст оловда қайнатилиб, сузилади. 2 ҳафта давомида очлик кунларидан ташқари ҳар эрта оч қоринга 30 гр ичилади.

Ёки: 2 қошиқ розмарин ярим литр олма сиркаси билан аралаштирилади, 8-10 соат туриб, 10 дақиқа паст оловда қайнатилади, совуганидан кейин сузилади ва 2-3 ҳафта давомида очлик кунларидан ташқари ҳар эрта 30 гр оч қоринга сув билан ичилади.

Ёки: Қуритилган арслонпанжаси ёки сариқ бўтақўз барглари майдалаб эзилади ва эланади. Эрталаб ва кечкурун кунига 1 чой қошиқ мойчечак чойи ёки сув билан ичилади.

Ёки: Кунда бир чой қошиқ эзилган калина дарахти пўстлоғи қайнар сувга дамланади. Кунда икки марта ичилади. Ёки ҳар кун 200 гр калина дарахти

мевазининг суви ичилади. Ҳайздан аввалги оғриқларни кетказди, ортикча қонашларини тўхтатади.

Қонаш бу дорилар билан қисқа муддатда тўхтайти, “ой кўриш” тартибга тушади. Туғиш, соғломликка етишнинг энг қисқа йўли бўлгани учун, қонашлар тўхтаганидан кейин касалга ҳомила бўлишни тавсия этилади.

Ҳомиладор аёлларнинг туғишидан аввал бутунлай тозаланишлари фойдадан ҳоли бўлмайди. Боланинг ҳам соғлом бўлиши учун илк 3-5 ой давомида 3 кунлик очликлар тутиши керак ёки ҳеч бўлмаса ҳафтада 1 кун 36 соатлик очлик қилишга ва тартибли озиқланишга одатланиши керак.

Фақат қонашларнинг сабабини ташхис қилиш муҳимдир.

Жарроҳлик амалиёти билан катта шиш ва кист (гурра)ни олиб ташлаш мумкин. Аммо бундан олдин, ичак даволаниши ва жигар тозаланиши керак. Сўнгра 7 марта 3 кунлик очлик, бир ой кейин яна 10 кунлик очлик тутилади.

Бу даволаниш давомида шиш соғлом тўқималардан ажралиб чиқиб, осонлик билан олинадиган ҳолга келади. Бундан кейин шишлар билан бирга тухумдон ёки бачадонни ҳам олиб ташлашга ҳожат қолмайди.

Эслатма: 7 кунлик очликда 7-чи кун кечкурун, 10 кунлик очликда 10-кун кечкурун жигар тозаланиши такрорланади. (“Жигарни тозалаш, 3-чи кун” бўлимига қаранг.) Фақат зайтун ёғи миқдори 250 гр эмас 100-150 гр бўлиши керак.

Гулумсар Г., (50 ёшда, Истанбул, уй бекаси) ҳикояси:

“38 ёшда эдим. Бачадонда апелсин катталигида миома ва оғир кон кетиши бор эди.. Беш йил давомида шифокорлар бачадонимнинг олиниши кераклигини айтишди. Бир неча хил дори курсларини олдим, лекин ҳеч бир фойда кўрмадим

Охириги ташхисда саратон бўлганимни билар эдим, ҳолат жиддий эди. Бу ҳам етмагандай бошимнинг каттик оғриши, ревматизм ва варико-зим бор эди.

Жарроҳлик амалиётидан бир аввал бу «Ҳақиқий тиббиёт» китоби муаллифи бўлган Ойдин Солиҳ хоним билан танишдим, у менга: “Сиз бу касалликларнинг юқини 5 йилдан бери кўтариб юрибсиз, яна уч ой сабр қилинг, мен айтган даволанишни қўлланг. ИншоАллоҳ жарроҳлик амалиётига эҳтиёжингиз қолмайди ва ҳомила бўласиз”, деди.

Шифокорнинг даволаш программаси моддаларига, ҳеч бирини қолдирмасдан, амал қилдим., саратонга айланган бачадон касаллигим ва бошқа айтган касалликларим яхшиланди. Соппа-соғлом ҳолга келдим, давомий оғриган бош оғригим ҳам тўхтади.

Ҳомиладор бўлдим ва ҳомиладор аёллар учун берган тавсияларни қўлладим. Ҳомиладорлигим энгил ва вазним оғирлашмасдан, бунинг теска-риси вазн энгиллашиб ўтди. 40 ёшда нормал ва ёш аёллардан ҳам осон туғиб олдим. Ўғлим ҳозир 14 ёшда. Бу-гунгача ҳеч касал бўлмади, дея оламан ва ҳеч қандай дори ишлатмади. Касалликларимдан ҳам асар қолмади”.

2011, август.

Ҳайзни кечиктириш учун:

Грек ёнғоғининг қобиғи қайнатилиб, 3 кун давомида қултумланиб ичилади.

Ёки: Грек ёнғоғи қобиғи ёқиб олинган қул, бир оз зайтун ёғи билан аралаштирилиб, кичик матога солиниб, вагинага, бачадон оғзига, иложи бори-ча чуқурроққа қўйилади.

Ҳайз кўрмаслик ва барвақт менопаз (климакс)

Қизлар 11-12 ёшлигидан бошлаб ҳар ой 3-5 кун, ой охири ёки ой кўринганда ҳайз кўришади. Ҳайз кўриш болалик даврининг тугагани, балоғатга етганини кўрсатади. Ёшликдан бошланган ҳайз фақатгина ҳомиладорлик пайтида ва эмизиш даврида вақтинча тўхтайти. Ёш улғайиб, тухумдонларида тухумлар тугаганидан кейин қонашлар тамоман тўхтайти - менопаз (климакс) бошланади. Бу ёшлик даврининг тугаб, қаришнинг бошланганидан далолат беради.

Бугун ёш қизларда ҳайз кўриш ёши 17-18гача кўтарилиши, ва аёлларда эрта менопаза тез тез учрамоқда. Бу ҳолат (кеч бошлаган ҳайз ва эрта менопаз) бўлган аёлларга табиий туға олиш муддатидан 10-15 йил йўқоттирмоқда. Бундан, аёлларнинг кўпайиш қобилятининг тез сўрятларда туша-ётганини тушуниш мумкин.

Вояга етган қизларнинг кўпи синтетик дорилар, ароматлар, синтетик таомлар ва ичимликлар, яъни, синтетик яшаш тарзи туфайли ҳар уч қиздан иккитаси туғиш қобилятидан маҳрум бўлмоқда ва фитратини тамоман ўзгарттирмоқда. Бундан, улар фақатгина гормон ёрдамида одат кўра олади.

Бу қизлар балоғат ёшидан бирдан-нига қариш ёшига ўтмоқда, орадаги ёшлик даври йўқолмоқда.

20-30 йил аввал аёлларнинг “одат”дан узилиш ёши 50-55 эди. 45 ёшида одатдан узилган аёл эрта узилган ҳисобланарди ва бундай ҳолатлар жуда кам учрарди.

Бугун бу ёш 40-45 гача тушди ва бу нормал ҳисобланмоқда.

Баъзи мамлакатларда эса бу ёш 35-37 ёш билан чегараланган.

Даволаниш

“Тухумдон ва Бачадон Касалликлари” бўлимида айтилганидек, умумий даволаниш қилиниб, айни пайтда одат (ой кўриш) келтирувчи дорилар ишлатилади.

(Давоми кейинги саҳифада)

АЁЛ КАСАЛЛИКЛАРИ

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Ҳеч одат кўрмаган қизлар ва аёллар баъзан илк 3 кунлик очликдан кейин одат кўра бошлайдилар. Аммо давомлилик учун очлик билан давланиш программасини тўла бажариш керак.

Ҳайз кўриш учун:

Бир бош саримсоқ + 10 дона яшил зайтун + 1 дона сабзи, 500 гр сув билан пиширилади, эзилиб сузилади. Ҳар кун янги тайёрланган бу дори 3-5 кун давомида ичилади.

1/2 чой қошиқ майдаланган седана ёки газанда уруғи + 1 чой қошиқ янги эзилган аччиқ қовун суви + 1/2 чой қошиқ асал аралаштирилади, кичик матога солиниб, ухлашдан аввал вагинага, бачадоннинг оғзига яқин жойга қўйилади ва бу малҳам эрталабгача туради.

Ёки: Зайтун дарахти қатрони, майдаланган оддий қора арча уруғи, ёввойи жамбул, аччиқ шувоқўти, наъматак суви, мойчечак ёғи, газанда ва уруғи – бир ёки қуйидаги аралашмалардан бири тайёрланиб, аввал айрилганидек, вагинага қўйилади. Масалан:

Зайтун дарахти қатрони + ёввойи атиргул суви + ёввойи жамбул;

Мойчечак ёғи + қора оддий

қораарча уруғи + ёввойи жамбул;

Қора оддий қораарча уруғи + аччиқ шувоқўти + мойчечак ёғи;

Газанда уруғи + газанда + газанда ёғи

Ёки: Оддий қора арча уруғи ёки барглари, ёввойи жамбул ва аччиқ шувоқўти қайнатилиб сузилади ва ваннадаги сувга қўшилиб 20-30 дақиқа ётилади.

Ёки: 1 литр сув + 1 ош қошиқ асал + 1 ош қошиқ янги сиқилган аччиқ қовун суви + 1 ош қошиқ янги сиқилган занжабил + 2 ош қошиқ янги сиқилган селдир барги суви қориштирилади. Кун давомида бу аралашмадан култумлаб ичилади.

Бу муолажалар сийдикни қўпайтиради, буйрак, жигар ва бачадонни тозалайди, ҳайзни келтиради, бачадон томирларини очади, ҳомилалик ва туғишни осонлаштиради.


Эслатма: Ҳомилдорларга туғиш санчиғи бошланмасидан аввал бу қўлланилмайди!

Бундан ташқари:

Вагина билан анус орасида, сонларнинг ич қисмларига, бандирларнинг орқа томонларига галма-гал банка қўйиш;

Бел ва думғаза, тиззалар ва оёқ билакларидан 3-7 кун танаффус билан қон олдириш;

Аввал анус ва жинсий лаблар оғзига, бир ҳафта сўнг бачадон оғзига зулук қўйиш ҳайз келишини ва туғишни осонлаштиради.



Туғишни назорат қилиш
Ҳомилаликнинг олдини олиш учун қўлланилган туғишни чекловчи таблеткаларида синтетик остроген ва синтетик прогестерон мавжуд.

Бу гормонлар гипофиз ва гипоталамус қисмига таъсир қилиб тухумланишни тўхтатади.

Тухумланиш (дўлланиш, урчиш) ни тўхтатмаса, бачадон оғзи секретинини қуруқлаштириб спермаларнинг олдинга кетишига тўсқинлик қилади.

Тухумланишга тўсқинлик қилаолмаса, эндометриумни таъсир остига олиб, эмбрионнинг бачадон ичида жойлашишига монеълик қилади.

Кир ва идиш ювиш порошоги, парфюм, тиш пастаси, шампун ва бошқа тана парвариш маҳсулотларида ва озиқ-овқатларда сақловчи сифатида ишлатилган, жинслар ўргасидаги фарқни йўқотадиган сунъий хушбўй хидлар, диоксин, фенол ва фталатлар каби қўшимча моддалар ҳам айнан туғишни чеклаш дорилари каби манфий таъсир кўрсатади.

Туғишни чеклаш таблеткалари этикеткаларида таблеткаларнинг “ён таъсирлари” ҳақда: “ҳазмсизлик, эмчакларни безовталаниши, жинсий истаксизлик, семириш, юзда доғлар, депрессия, ва ҳ.к.”, дейилади.

Бу дорилар тананинг барча тизимларида, ички секретининг безларининг мувозанатли ишловида ва руҳ-тана мувозанатида катта муаммолар келтириб чиқаргани учун уларни тавсия қилганлар ва ишлатганлар, аслида, ҳаётга қарши катта жиноят қилаётгандилар.

Бу дори ҳужжатида шундай ёзилган: “Томир тикилишини бошидан кечирганлар, мия ёки юрак томирларида тикилиш бўлганлар, эмчак ёки бачадон саратони бўлганлар ва ҳомилдорлар қатъиян ишлатмасинлар. Қон босими юқори бўлганлар, мигрен, диабет, бачадонида шиш борлар, холестерин ва жигар касалликларига мубтало бўлганларга ва сигарета чекканларга ҳам тавсия қилинмайди”.

Ногўғри озикланиш сабабли бугун ҳатто 2 ёшли болаларда ҳам томир тикилишлари учрашини ҳисобга олсак, Туркиядаги аёлларнинг бу дорини қўлланмаслик учун энг оз 3 та сабаби бор. Аммо бу дорини қўлланмаган аёл кам учрайди.

Туғишни олдини олувчи бу дорини ташлаб, умумий даволанишни қўллаб,

қуйида кўрсатилган шаклда туғиш контроли қилганлар ўз вужудининг табиий тузилишини янгидан тиклашлари мумкин.

Табиий туғишни бошқариш усуллари:

Аёл алоқадан кейин 3-7 марта орқага қараб сакраса, сперма вагинадан ташқарига чиқади, бу ҳолат ҳомилаликнинг олдини олади.

Сакрашдан кейин чўмилиш керак бўлади. Акса уриш ҳам сакраш билан бир хил натижа беради. Аксириш учун аксиртирадиган кукун (анфия) хидлаш кифоя.

Ва: Анор пўсти қуритилиб майда қилиб туйилади ва эланади. Жинсий муносабатдан аввал тоза мато намланиб, анор қуқунига ботирилади, сўнгра вагинага, имкони борича, чуқурроқ қўйилади ва 5-15 дақиқа тургандан кейин, чиқарилади.

Анор пўсти қуқуни бачадон оғзини буриштириб, спермаларнинг йўлини ёпади.

Ёки: Алоқадан кейин 7-9 марта орқага қараб сакралади ва чўмилинади. Чўмилгандан

кейин вагинага эзилган оқ қарам барги қўйилади. Ёки бир парча мато, қарам суви ёки яримга-ярим сув билан аралаштирилган аччиқ қовун суви ёки аччиқ қовун ёғи, ёки аччиқ қалампир суви билан намланиб вагинага қўйилади. Бу дорилар бачадон ва вагинадаги суюқликни кўпайтиради. Вагинадаги суюқлик спермани ташқари чиқариб, ҳомилдорликнинг олдини олади.

(Аччиқ қалампир сув билан намланади ва сузилиб ишлатилади.)

Фақат Аллоҳнинг тақдирини олдиға ҳеч нарса туша олмайди.

Туғишни сунъий чеклаш зулмига учрамаган ва қисир бўлмаган хотин туғмаслиги мумкин ёки, аксинча, жуда кучли туғишни чекловчи усуллари ни бошидан кечиргандан кейин ҳам ҳомила қолган аёллар учрайди.

Бу мисоллар кўрсатадики, бола сони туғишни чеклашга эмас, Аллоҳнинг тақдирини боғлиқ. Туғишни чеклаш ёки чекламаслик - имтиҳонда белгиланган “тўғри” ёки “хато”дан биттасини танлашдир ҳолос.

ОЙДИН СОЛИХ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан
(Давоми келгуси сонда)



“Эркин Юрт” интернет-газетаси
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мустақил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.
Масъул муҳаррир
Камолiddин Ийldош